БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 31 (4130)
7 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



Илҳомбахш меҳнатимиз— доҳий юбилейига

ҚУРИЛИШ МАЙДОНИДА

ВАҚТДАН ЎЗИБ

«Главташкентстрой»га қарашли 12-трест 49-қурилиш бошқармасида 1981 йилнинг иккинчи ярим йиллиги ҳисобига меҳнат қилаётганлар сони 15 нафардан ошди. Бошқарма коллективи шаҳримизнинг «Олмазор» массивида йирик турар жой бинолари барпо этмоқда.

Бунёдкорлар орасида доҳиймиз В. И. Ленининг 110 йиллигига бағишланган меҳнат кўтаринкилиги авж олдирилган. Улар доҳий туғилган кунга қадар 136 оилага мўлжалланган бинони тез ва сифатли қуриб битказиш учун курашмоқдалар. Бошқарманинг Н. Шайдулин, З. Муҳитдинов, Қ. Юнусов сингари қурувчилар вақтдан ўзиб ишлашмоқда.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

БОШҚАРИШ МАКТАБИ, КОММУНИЗМ МАКТАБИ

Эртага Тошкент область касаба союзларининг X ҳисобот-сайлов конференцияси ўз ишини бошлайди

Тошкент область касаба союзлари аъзоларининг бир ярим миллион кишилик отряди ўзларининг X ҳисобот-сайлов конференциясига партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, СССР касаба союзларининг XVI съезди қарорларини ҳаётга тўла-тўкис тадбиқ этиш иштиёқи билан тўлиб-тошган ҳолда келдилар. Конференция Тошкент шаҳри ва области меҳнаткашлари, барча совет кишилари қатори республика олий ва маҳаллий Советларига сайловларни, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўраётган ажойиб паллада ўтади.

Область касаба союзлари социалистик мусобақани янада ривожлантириш, унинг форма ва методларини такомиллаштириш, қимматли ватанпарварлик ташаббусларини кенг ёйиш, кишиларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини янада яхшилаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилмоқдалар. Ишда намуна кўрсатиб, ҳамкасбларини ўз ортларидан эргаштириб бораётган юзлаб касаба союз активистларининг номларини айтиб ўтиш мумкин. Улар орасида Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчиси А. Девятова, Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористи Р. Турсунбоева, «Малика» трикотаж бирлашмасининг ишчиси Ш. Холмуҳамедова, В. И. Ленин номидаги электротехника заводи созловчиси А. Муҳамедов ва бошқалар бор.

Область касаба союзлари пойтахт области меҳнаткашларининг барча ишларида актив иштирок этяпти. Учинчи беш йилликнинг асосий вазифаларини адо этишда, меҳнат коллективларини план-топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришга сафарбар этишда партия ташкилотларининг жанговар ёрдамчилари ҳисобланишади.

Газетамизнинг бугунги сонидаги материалларда беш йилликнинг якунловчи йилида касаба союз ташкилотларининг, активистлар, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг ишлари тўғрисида ҳикоя қилинади.

19 апрель—коммунистик шанбалик куни

МЎЙНАДЎЗЛАР АҲДИ

Москвалик илғор саноат корхоналарининг доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига атаб Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтказиш бўйича ватанпарварлик ташаббусини кўп-мўйна заводи коллективи ҳам кўтарини руҳда кутиб олди. Шу муносабат билан заводда кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Бу митингда ишчилар ва инженер-техник ходимлар «Қизил шанбалик»ни намунали ўтказишга аҳд қилганликларини изҳор этишди. Корхонада шанбаликка тайёргарлик бўйича завод директори З. Самигжонов бошлиқ штаб тузилди.

Корхонада «Қизил шанбалик» куни 35 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутиляпти. Бу ҳар куни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотдан 11 минг сўмлик кўпдир. Мўйначилик цехи коллективи шу куни хотин-қизларнинг 30 та пальтосини, 25 та болалар пальтоси, 150 та желетка, 300 та телпак, 300 дона мўйна пальто ёқаларини тайёрлашади.

Коммунистик меҳнат байрамида жами 466 киши қатнашиб, шундан 396 нафари бевосита иш жойларида меҳнат қилади. Инженер-техник ходимлар ва хизматчилар эса корхона территориясини ободонлаштиришади. Улар завод ҳовлисида янги қад кўтараётган цехлар атрофини қурилиш чиқиндиларидан тозалашади.

Шу кунги 2400 сўм иш ҳақи беш йиллик фондига ўтказилади.

Т. НАЖМИЙ.



Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи ўртасида В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллиги шарафига социалистик мусобақа авж олиб кетди.

СУРАТДА: мусобақа пешқадамларидан 1-йигирув фабрикасининг илғор йигирувчилари В. Гераскина, Ф. Сандова ва мастер С. Яковлев. Улар смена топшириқларини 120— 130 процент адо этиб, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришяпти.

ЗАРБДОР МЕҲНАТ САМАРАСИ

Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб туҳфалар билан кутиб олишга аҳд қилишган. Кўпчилик пешқадам ишчилар эса ҳозирнинг ўзида ўз устларига олган социалистик мажбуриятларини оширибоажаришди.

Бугунги кунда бирлашманинг икки ишчиси тўққиз йиллик, 13 ишчиси саккиз йиллик, 45 ишчиси етти йиллик, 74 ишчиси олти йиллик, 250 ишчиси беш йиллик шахсий планларини бажариб қўйди. Т. Мусаев, С. Одилжонов, Л. Усмонова, Н. Денисова каби илғорларнинг самарали меҳнатлари туфайли бирлашмада йил бошидан бери 3 миллион 420 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бунинг 10 минг сўмлиги планга қўшимча тайёрланди.

Б. УСМОНОВ.

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК—АСОСИЙ ШИОРИМИЗ

Ягона наряд асосида

Ягона наряд Николай Шубин бригадасининг беш йиллик планни муддатидан илгари бажаришига ёрдам берган асосий омил бўлди. Тошкент трактор заводидаги 31-цех станокчилари коллективи ишни янгича ташкил этиб, МТЗ—80Х машиналарини ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун бошланган социалистик мусобақанинг пешқадами бўлиб қолди.

«Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун» шиори остида меҳнат қилиш, иш ҳақи ҳам коллектив иш якунлари бўйича олиниши учун биргина истакнинг ўзи етмайди. Бунинг учун бригаданинг ҳар бир аъзоси ўз ишининг устаси бўлмоғи, коллективда «боқимдаги кишилар» — қолоқлар, меҳнат интизомини бузувчилар бўлмаслиги керак. Коммунист Шубин ўз бригадасини худди шунга қаратди. Аввало ўз станокларини ўрганиб чиқиб, бирон носозлик юз берса уни тузатувчиларни кутиб ўтирмай, ўзлари тез созлаб юборишга қарор қилдилар. Жиддий носозлик юз берса шунда ҳам ишчи бекор турмайди, унинг табелида «мажбурий бекор туриш» белгиси пайдо бўлмайди. Ремонтчилар нуқсонни тугатиш билан шуғулланиб туришганда бригаданинг ҳар бир станокчиси бошқа ҳар бир станокда ҳар қандай ишни бажариб кета олади.

Бугунги кунда коллектив 12 кишиничг ишини бажаришга қодир— ҳолбуки бригадада 8 станокчи бор. Бу нарса иш ҳақида ҳам ўзини кўрсатди. Ҳар бир кишининг иш ҳақи 300 сўмдан ошади. Деталь ишлаб чиқариш анча тез кўпаймоқда, бунинг устига маъмурият қўли бўшаган ишчиларни бошқа участкаларда ишлатиш имкониятига эга бўлди.

Николай Шубин бригадасидан ўрнак олиб меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш илғор формаси бошқа цехларда ҳам жорий этила бошланди. Масалан, Л. Зайцев бригадасида илгари 12 киши талаб қилинган ишни 7 киши уддалаб кета бошлади. 23-цехда трансмиссия йиғишда Л. Мезин ва В. Шинников бригадаларида меҳнат унумдорлиги бир ярим баравар ортди.

Меҳнат ва иш ҳақи бўлимида маълум қилишларича, шу кунларда 210 бригада — 1300 трактор соз ягона наряд билан ишламоқда. Бу ишларнинг ҳаммаси асосий мақсадга эришишга ёрдам беради: яқин 4—5 йил ичида трактор ва запас қисмлар ишлаб чиқариш уч баравар кўпаяди.

(ЎзТАГ).

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

✦ Урток Л. И. Брежнев Череповецк химия заводида мураккаб минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи комплекс қурилишида иштирок этган қурувчиларни, монтажчиларни, химикларни, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларини, қурилишнинг барча қатнашчиларини катта меҳнат ғалабаси — Череповецк химия заводида ҳар йили 1,7 миллион тонна мураккаб минерал ўғит ишлаб чиқарувчи йирик комплекснинг қурилиши тугалланганлиги билан самимий табриклайди.

✦ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Швейцария меҳнат партиясининг Бош секретари ўртоқ Арман Маньенга йўллаган табрик телеграммаси эълон қилинган. Унда Швейцария ишчилар ва коммунистик ҳаракатининг таниқли арбоби А. Маньеннинг олтмиш ёшга тўлганлиги муносабати билан самимий истаклар ва қардошларча табриклар баён этилади.

✦ Кампучия миллий қутқариш бирлашган фронти Марказий Комитети ва Халқ революцион кенгашининг Раиси Хенг Самрин бошчилигидаги Кампучия миллий қутқариш бирлашган фронти ва Халқ революцион кенгашининг делегацияси кеча Москвадан Ленинградга жўнаб кетди.

• *Касаба союз ташкилотларидан хабарлар*

ЮКСАК АКТИВЛИК УЧУН

Тошкент электрон-техника заводининг 2-цехи йиғув участкасида ишчи Н. А. Крупина етти йилдан буён сурункасига касаба союз ташкилотчиси қилиб сайланиб келмоқда. Участканинг 52 ишчиси қолоқларсиз ишлаб, ҳар куни топшириққа қўшимча маҳсулот беряпти, уларнинг кўплари шахсий беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришди.

Нина Афанасьевнага ВЦСПСнинг «Касаба союз группасида актив ишлаганлиги учун» нишони тантанали суратда топширилди. Пешқадам коллектив социалистик мусобақада бир неча бор ғолиб чиқди. Йиғувчилар йил бошидан буён фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрлаб келишяпти, бу ерда меҳнат интизоми ҳам талаблар даражасида.

Крупинанинг ўзи ёш асбобсозларнинг мураббийсидир. Уларга фақат касб ўргатибгина қолмай, турмуш шароитини янада яхшилаш, маданий ҳордиқ чиқаришларига ҳам ёрдам беради. Кимдир бетоб бўлиб қолса, ўзи ёки дугоналаридан бири дарров бориб хабар олади. Аҳил коллектив йилдан-йилга маҳоратини ошириб, беш йиллик зарбдор вахтасида кўнгилдагидек ютуқларга эришмоқда.

* * *

ИШЧИ ЙИҒИЛИШЛАРИ РОЛИ ОШЯПТИ

2-йигирув-тўқув фабрикасида ишчи йиғилишларига қандай тайёргарлик кўрилади ва ўтказилади? Бу масала Тошкент тўқимачилик комбинати касаба союз комитетининг навбатдаги йиғилишида муҳокама этилди. Улар график асосида мунтазам ўтказиляпти. Ишчилар муҳокамасига социалистик мусобақа, меҳнат интизомининг аҳволи, илғор тажрибаларни ёйиш масалалари қўйилмоқда.

Касаба союз комитети ишчи йиғилишларининг активлигини ошириш, унинг социалистик мажбуриятларини бажариш, меҳнат интизомини мустаҳкамлашдаги ролини кучайтириш юзасидан белгиланган тадбирларни тасдиқлади.

ДЕЛЕГАТ ҚИЛИБ САЙЛАНДИ

«Таштекстильмаш» заводи меҳнаткашлари Любовь Павловна Заварзинани Тошкент область касаба союзларининг ҳисобот-сайлов конференциясига делегат қилиб сайладилар. У корхонанинг асбобсозлик цехида кўп йиллардан буён меҳнат қилиб келмоқда. Заводга оғир уруш йилларида қизлик чоғида келган эди. Ҳозир Любовь Павловна корхона ветеранларидан бири. Кўп йиллар давомида унинг қўлидан кўплаб шогирдлар етишиб чиқди.

Делегат ишлаб чиқаришнинг масъулиятли участкаларидан бирида ишлайди. Қирқувчи ва ўлчовчи асбоблар тайёрлайди. Бу иш маҳоратни, ғоятда аниқликни, пишиқ-пухталикни талаб этади. Любовь Павловна смена нормасини ошириб адо этяпти. У В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача шахсий беш йиллик топшириғини адо этмоқчи.

Делегатнинг жамоат ишлари ҳам кўп. У ёш ишчиларни тарбиялаш, цехда касаба союз ишларини йўлга қўйиш билан шуғулланади. Бир неча йиллардан буён Тошкент область касаба союзларининг аъзосидир.



«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўртасида В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. Меҳнат беллашувида коммунистлар ва касаба союз активистлари пешқадамлик қилишмоқда.

СУРАТДА: илғор печатниклар, коммунистик меҳнат зарбдорлари, касаба союз группа ташкилотчилари Людмила Соботович ва Эргаш Ялақаев. Улар ҳозир ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

УМРИ БОҚИЙ ДЎСТЛИК

«САЛОМ, СИБИР»

«Узбектелефильм» студияси коллективи томонидан суратга олинаётган янги рангли ҳужжатли фильм ана шундай деб аталади. Фильм Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилиши бўлган Саяно-Шушенск ГЭСи қурилишида жасорат кўрсатаётган ёшларнинг меҳнат фаолиятига бағишланган.

Маълумки, бу қурилишда мамлакатимизнинг турли жойларидан келган ёшлар қўлни-қўлга бериб улкан нурхонани бунёд этмоқдалар. Улар билан бирга республикамизнинг Тошкент, Фарғона, Андижон, Хоразм, Бухоро ва Марғилон каби бир қатор шаҳарлардан борган 400 дан зиёд ўзбек йигит ва қизлари ҳам меҳнат қилишяпти. Фильм авторлари ана шу ёшларнинг СССР халқларининг дўстлик оиласида кўрсатаётган ватанпарварлик жасоратларини фильмга бош мавзу қилиб олдилар. Фильм Бутуниттифоқ Ленин комсомолининг 62 йиллик тўйига муносиб совға бўлади.

А. АЛИМОВ.

24 февраль — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЧИЛАР КУНИ

ҲАММА НАРСА МУҲАЙЁ

Октябрь районидаги Маннон Уйғур номли 22-ўрта мактаб биносига жойлашган 48/32-сайлов участкасидан шу йил 24 февралда Ўзбекистон ССР Олий Советига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига бўладиган сайловлар куни Ленин, Большевик, Қаҳрамон, Комсомол, 4-Тахтапул, Колхозчи маҳаллаларида истиқомат қилувчи меҳнаткашлар халқимизнинг асл фарзандлари номзоди учун овоз берадилар.

— Бунинг учун сайлов участкасида ва унга қарашли агитпунктда ҳамма нарса муҳайё қилиб қўйилди, —дейди мактаб директори, Ленин ордени қавалери, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Ҳ. Ҳошимов. —Олтмишга яқин агитаторларнинг куч-ғайратлари билан 2600 дан ортиқ сайловчининг рўйхати тузилиб, тартиб билан кўзга кўринарли жойга осиб қўйилди. Сайлов олди тайёргарлик ишларини олиб боришда сайлов участкаси секретари М. Шамсиева, бош агитатор Ф. Мусажонова, Б. Эшмуҳамедова, М. Муҳамедова, М. Сандорипова каби ўнлаб агитаторларимиз жонбозлик кўрсатишмоқда.

Агитпункт ҳақиқатан ҳам шинам безатилган, унда сайловга оид ҳар хил брошюралар, газета-журналларнинг янги сонлари, радио, телевизор ҳамма-ҳаммаси муҳайёдир. Айниқса ёш сайловчилар, шунингдек юрист-консультант бурчаги ташкил этилганлиги, сайлов участкаси территориясининг схемаси осиб қўйилганлиги катта қулайлик яратмоқда. Шунинг учун ҳам бу сайлов участкаси Октябрь районидаги сайлов участкалари ўртасида энг яхшиларидан бири деб топилди.



СУРАТДА: (чапдан ўнгга) бош агитатор Фарида Мусажонова, агитпункт мудири Ҳакимжон Ҳошимов ва сиёсий ахборотчи Қудрат Оппоқхўжаевлар сайловга оид тадбирлардан яна бирини амалга ошириш устида суҳбатлашишмоқда.

Р. Альбеков фотоси.

• *Санъат хабари*

ИЖОДИЙ САФАР ОЛДИДАН

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган «Ялла» вокал-чолғу ансамбли коллективи шу кунларда мамлакатимизнинг бир қатор шаҳарларига ҳамда Монголия ва Болгарияга бўладиган ижодий сафарга қизғин ҳозирлик кўряпти.

Ансамблнинг хонанда ва созандалари бу гастролларга янги концерт программасини тайёрлашди. Концерт программасидан ўзбек композиторларининг янги ёзган асарлари ўрин олган. Булардан ташқари репертуарга қардош халқлар ва чет эл композиторларининг куй ва қўшиқлари ҳам киритилган.

Томошабинлар конференцияси

М. Горький номли Тошкент Давлат рус академик драма театри ташкил этган биринчи томошабинлар конференциясида ёшлар ҳақидаги спектакллар ва ёшларга аталган спектакллар тўғрисида гап борди. Конференцияда қатнашган томошабинлар ижодкор коллективнинг «Соҳил», «Ёвуз ўйинлар», «Умидларим» каби янги асарларидан парчалар томоша қилдилар, режиссёрлар ва артистлар эса томошабинларнинг истаклари билан танишдилар. Бундай мунозаравий учрашувни муттасил ўтказиб туришга қарор қилинди.

(ЎзТАГ).

ПАРИЖ КОММУНАСИНИНГ АСОСЧИЛАРИ

Алишер Навоий номли Ўзбек Давлат кутубхонасида Луи Огюст Бланка туғилган кунининг 175 йиллигига бағишланган кўргазма очилди. Шу революционер утопист-коммунист номи билан аталган «Патри ан данже» газетасининг ноёб нашри экспозицияни безаб турибди. Китоблар ва иллюстрациялар Бланканинг ҳаёти ҳақида, инсониятнинг порлоқ келажагига бўлган беқиёс ишончи тўғрисида ҳикоя қилади. Булар орасида 1960 йилда нашр этилган «Франция тарихи рептродукцияларда», 1864 йилда нашр этилган А. Ламартиннинг «Франция тарихи» каби қизиқарли китоблар бор.

Тошкент кутубхонаси «Париж Коммунаси асосчилари» выставкалари туркумини Луи Бланкага бағишланган экспозиция билан бошлади.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

Ольстерда нима учун қон тўкиляпти?

Инглиз босқинчилари Ольстер тарихига энг шармандали саҳифаларнинг бирини ёзган кундан бери саккиз йил ўтди. Ўшанда Шимолий Ирландия шаҳарларидан бири Лондондеррида граждан ҳуқуқлари учун курашчиларнинг тинч намойиши ўққа тутилди. Бу «қонли якшанба» кунида 13 киши ўлди, 16 киши яраддор қилинди.

Ўтган вақтдан буён Буюк Британиянинг мана шу «ок танлилар мустамлакаси»да яхшилик сари бирон-бир ўзгариш рўй бермади. Бу ерда ҳамон бомбалар портламоқда, автоматлардан ўқ ёғилмоқда. Террор ва жазолаш натижасида қарийб икки минг киши ҳалок бўлди. Нима учун Британиянинг ана шу вилоятида тинчлик ва осойишталик йўқ? Нима учун ҳамон у ерда террор ва зўравонлик ҳукм сурмоқда?

Бунга Британия мустамлакачиларининг анъанавий сиёсати сабаб бўлаяпти. Улар бундан уч юз йил илгари ҳарбий куч ёрдамида Ирландиянинг шимоли-шарқий қисми Ольстерни босиб олиб, уни шу мамлакатда ўз ҳукмронлигининг таянч пунктига айлантирган эдилар. Ирландияликлар 20-йилларнинг бошларида ўз золимларига қарши кўлларига қурол олиб курашга отланганда, Буюк Британия маъмурлари Ирландия проблемасини янги мустамлакачилик тарзида ҳал этишга мажбур этдилар. Улар Ирландиянинг кўп қисмига чекланган мустақиллик бериб, мамлакатнинг шимоли-шарқий қисми Ольстерни бирлашган королликнинг составида қолдирдилар.

Уша вақтдан бери Англия монополиялари ва улар билан мустаҳкам боғланган маҳаллий протестант буржуазия Шимолий Ирландияда таҳқо ҳукмронлик қилмоқда. Британия мустамлакачилари ана шу маҳаллий буржуазияга таяниб, туб маҳаллий католик аҳолини эксплуатация қилмоқда.

Ольстер аҳолисининг мана шу мазлум қисми кўп йиллардан бери ана шундай камситишга қарши, гражданлик ҳуқуқлари учун, мустамлакачилар парчалаб ташлаган мамлакат бирлигини тиклаш учун шиддатли кураш олиб бормоқда. Аммо мустамлакачилар бунга босқинчи армиянинг ўқ ва найзаси билан жавоб бердилар. Бу армия Шимолий Ирландияга бундан ўн йил муқаддам киритилиб, бу ерда жазоловчи қонунлар жорий этилди, турма ва қамоқ лагерлари очилди.

Бироқ қотилларнинг ўқ ва найзалари Ольстердаги танглик, ҳуқуқсизлик ва жабр-зулм, юз минглаб кишиларнинг оммавий ишсизлик ва қашшоқлиги сабабларини бартараф қила олмади. Йўқ, албатта. Бу сабаблар бартараф этилмас экан Ольстерда аввалгидек қон тўкилаверади.

В. СЕРОВ,
ТАСС шарҳловчиси.

БОШҚАРИШ МАКТАБИ, КОММУНИЗМ МАКТАБИ

КАСАБА СОЮЗЛАРИ ИШИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАЙЛИК

М. И. САФАРОВ,
ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИНИНГ СЕКРЕТАРИ.

• Партия ташкилотларининг актив ёрдамчилари • Зарбдор меҳнатимиз— В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига • Касаба союзларининг беш йиллик ташаббусларига ғамхўрлиги • Рационализатор ва ихтирочилар сафи кенгаймоқда

Ҳозирги пайтда касаба союз ташкилотлари актив иштирок этмаётган бирон соҳани топиш қийин. Касаба союзларининг фаолияти меҳнат коллективларининг ишлаб чиқариш ва жамоат ҳаётида меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашда самарали восита бўлиб қолди. Унда областнинг 970 мингдан энёд меҳнатчиси иштирок этмоқда. Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати қатнашчиларининг сафи эса 583 минг кишига етди.

Касаба союз ташкилотлари «Меҳнат унумдорлиги бўйича беш йиллик планни тўрт йилда бажарамиз», «В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача беш йиллик топшириқни бажарайлик», «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» сингари муҳим ташаббусларнинг оммавий касб этиши учун курашмоқда. 5680 илғор ишчи ўниячи беш йилликда икки беш йиллик топшириқни бажаришга қарор қилди. Бу ташаббус шаҳар ва область меҳнаткашлари ўртасида қизғин қўллаб-қувватланди.

Мураббийчилик ҳаракати тобора кенг тус олянти. Ишлаб чиқаришнинг 35 мингга яқин илғорлари, новаторлари 49 минг ёш ишчини тарбиялашни оталиққа олганлар.

Кадрларни иқтисодий жиҳатдан тайёрлаш системасида коммунистик меҳнат мактабларининг роли жуда катта бўлянти. Ҳозир 3015 та ана шундай мактаб бор. Уларда 76400 киши шуғулланмоқда.

88 та халқ университетида 17188 киши ўз билимларини оширяпти. Ҳар йили касаба союз ташкилотлари ва уларнинг маданий-оқартув муассасалари 95 мингдан энёд лекция, доклад, 6 мингдан энёд тематик ва ёшлар кечалари ўтказишяпти, улар иқтисодий-сиёсий, иқтисодий, илмий атеистик, адабиёт ва санъат масалаларига бағишланган.

Клубларда эса ҳарбий - ватанпарварлик мавзусида лекция ва кечалар кўпроқ ўтказиладиган бўлиб қолди. Йигит ва қизлар ўртасида Коммунистик партия ва совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари пропагандаси бўйича оммавий тадбирлар тез-тез ўтказилиб турилибди.

Ҳар йили меҳнаткашлар ва улар фарзандларининг санаторий-курортларда даволанишиб, дам олишлари учун давлат социал-таъминоти бюджетидан тобора кўпроқ маблағ ажратиляпти. Ҳисобот даврида ана шу мақсадлар учун 32 миллион 758 минг сўм сарфланди. Ана шу маблағ асосида ижтимоий ва бепул йўлланмалар билан 779 минг меҳнатчи ва уларнинг фарзандлари даволандилар ва ҳордиқ чиқардилар.

Ўтган йилларда касаба союзларининг ташкилий иши янада ижчил ва самарали бўлди. Ўтган ҳисобот-сайлов кампанияси касаба союзлари фаолиятининг ўзига хос кўриги бўлди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялар катта уюшқоқлик ва ишчанлик вазиятида ўтди. Улар юксак сиёсий савияси, принципиаллиги, қилинган ишга танқидий ёндошиш руҳи билан ижкол ажралиб турди. Касаба союз аъзолари кўпгина қимматли таклиф ва танқидий мулоҳазалар билдиришди.

Касаба союз ташкилотларининг ўз вазифаларини бажаришларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, касаба союз комитетлари составига ташаббускор, ғоявий жиҳатдан етук, меҳнатда ва жамоат ишида ўзини кўрсатган кишиларни таклиф этиш муҳим роль ўйнайди.

Кейинги вақтларда касаба союз активи ва кадрларнинг сайланган составининг сифати анча яхшиланди. Шу билан бирга шундай касаба союз ташкилотлари ҳам борки, улар ўз корхоналари фаолиятига, меҳнат коллективларининг иш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун кўрашига етарлича актив таъсир кўрсатмаяпти.

Саноатда ялпи маҳсулот ҳажмининг ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари беш йиллик топшириқларидан ортда қолмоқда. Халқ хўжалиги ва аҳолининг транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаларига бўлган эҳтиёжлари қондирилмаяпти.

Қурилишда капитал маблағларни ўзлаштириш, тугалланмаган қурилишлар объектларини камайтириш ва иш сифатини ошириш борасида жиддий камчиликлар мавжуд.

Кўпгина касаба союз ва хўжалик ташкилотлари меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, меҳнат шароитини яхшилашга, ишлаб чиқаришда ишларнинг бир маромда боришини талаб даражасида ташкил этишга етарлича эътибор беришмаяпти.

Шу борада КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Халқ хўжалигида меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар қўнимсизлигини камайтириш тўғрисида»ги қарори катта аҳамиятга эга. Бу ҳужжатда меҳнат унумдорлигини ошириш, кадрлар қўнимсизлигини камайтириш ва социалистик экономикани янада ривожлантириш, халқнинг моддий ва маданий фаровонлигини янада оширишга, кўмаклашувчи кенг тадбирлар комплекси белгилаб берилган.

Бир қатор касаба союз ташкилотлари ишчи, колхозчи ва ҳизматчиларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини ошириш учун ҳар бир меҳнатчида топширилган иш учун масъулият ҳиссини тарбиялаш учун мавжуд тарбиявий ва оммавий-маданий тадбирлардан тўла фойдаланаяпти, деб бўлмайди. Касаба союз ташкилотларининг тарбиявий ишлари савияси совет кишиларининг ўсиб бораётган билими ва маданий савияларига ҳали тўла жавоб бермаяпти, социал-иқтисодий жараёнлар ва совет жамиятининг маънавий ҳаёти тараққиёти етарлича ҳисобга олинмаяпти.

Ҳисобот даврида область касаба союзлари партия ташкилотлари раҳбарлиги остида ҳар томонлама чиниқиш мактабини ўтадилар, ўзларининг ташкилотчилик қобилиятларини кўрсатдилар. Вазифа шундан иборатки, ҳамма жойда ленинча ишлаш услубини қарор топтиришда, Тошкент ва область меҳнаткашларини беш йиллик режаларини муддатидан илгари бажариш, зарбдорона, коммунистчасига ишлашга сафарбар этишда тўпланган барча тажрибалардан ижчил фойдаланиш лозим.



Тошкентдаги 3-босмахона коллективи ўтган йили планга қўшимча 21,6 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб, мамлакат турдош корхоналари ўртасида кўчма Қизил байроқни қўлга киритди. Бу йил полиграфчилар зарбдор меҳнат қилишяпти. Улар планга қўшимча 20 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш, йиллик планни 3 декабргача адо этиш, планга қўшимча кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқариш мажбуриятини олишди.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга): маҳаллий комитет аъзолари В. Овчинникова, А. Гречухин, маҳаллий комитет раиси С. Прокопова, партия ташкилотининг секретари А. Рихсиев ва комсорг Р. Қаюмов январь ойи социалистик мусобақасининг якунларини муҳокама қилишяпти.

Биз, ҳисобот-сайлов касаба союз конференциясига муайян ютуқлар билан келдик. Рационализаторлик фонднга техника янгиликларини жорий этиш натижасида 250 миллион сўмдан зиёд фойда келтирилди.

Меҳнаткашларнинг техника ижодини тараққий эттиришнинг коллектив формалари кенг ёйилянти. Корхоналарда 463 та ижодий комплекс бригадалар, 321 та жамоатчилик асосидаги патент бюролари ва конструкторлик бюролари ишлаб турибди.

Ҳозирги пайтда ВОИРнинг 576 ташкилоти ҳисобида 82 мингдан зиёд аъзо бор. 53 новатор «Республикада хизмат кўрсатган ихтирочи», 101 киши «Хизмат кўрсатган рационализатор» фахрли унвонларини олишган. Улар орасида «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари Геннадий Федорович Власов, «ВНИИпромгаз»нинг Ўрта Осиё филиали лабораториси бошлиғи Қодир Шокирович Шокиров, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари Зайкат Закиевич Гараев, Ўзбекистон ССР Фандар академиясининг химия институти лабораторияси мудири Шарифа Зоҳидовна Хомидхонова ва бошқалар бор. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, трактор, «Ташсельмаш», кабель заводлари, «Ўзэлектромонтаж» трести, Тошкент тўқимачилик комбинати новаторлари, рационализаторлик фондига катта ҳисса қўшишяпти. В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига социалистик мусобақанинг кенг тус олдириш натижасида шаҳар ва ташкилотларда Тошкент агрегат заводи рационализаторлари ва ихтирочиларининг «Металлни тежашга рационализаторларни кенг муттасил эътибори», ускуналарни қадоқлаш ва ўраш тажриба-конструкторлик бюросининг «Ҳар бир ишни ихтиро даражасига кўтарайлик», Тошкент тўқимачилик комбинатининг ёш ишчиларга тажрибали рационализаторлари ва ихтирочилари ёрдами ҳаракати кенг ёйилянти. Масалан, Тошкент трактор заводида ВОИР советининг партком, корхона касаба союз комитети билан ҳамкорликда иш олиб бориши натижасида сўнгги йилларда ихтирочилик ва рационализаторлик ишлари анча яхшиланди. Корхонада бир неча йиллардан бери ихтироларни танлаб олиш, планлаштириш ва фойдаланиш комплекс системаси ишлаб турибди. Бу ишларни тартибга солиб ва ишлаб чиқиш мақсадлари, рационализаторлик таклифлари жорий этиш юзасидан схема тасдиқланган. Шунингдек, «Рационализаторлик таклифларини расмийлаштириш, таклиф этиш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисида» корхона низоми ишлаб чиқилган. ВОИР советининг ташкилий иши натижасида корхона кўрсаткичлари анча яхшиланди. 1979 йилда 707 та рационализаторлик таклифидан ва 51 ихтиродан фойдаланилди. Бу эса 851 минг сўм иқтисодий самара берди. Заводнинг электрчиси В. Левин, слесари О. Ефремов, бюро бошлиғи К. Узиканов, темирчи Г. Бакиновский ва бошқалар ҳақли равишда энг яхши рационализаторлар ҳисобланишади.

«Ташсельмаш» заводининг рационализаторлари ўтган йили 586 тонна чўян, металл, пўлат қуйилмаси, 33 тонна алюмин, 2297 минг киловатт соат-электр энергиясини тежаб қолдилар. Умуман ихтиролар ва рационализатор л и к таклифларидан фойдаланиш натижасида 554 минг сўм иқтисод қилинди.

Ихтирочилик ва патент— лицензия ишлари илмий-тадқиқот институтларида, айниқса, яхшиланмоқда. Масалан, «Средазниигаз»да 1979 йилда 109 та таклиф тушди. Авторлик гувоҳномалари бериш тўғрисида 74 та қарор қабул қилинди. Уларнинг кўпчилиги патент олишга тавсия қилинди. Институтнинг ўнлаб таклифлари «Союзузбекгазпр о м» ва «Ўзбекнефть» корхоналарида муваффақиятли фойдаланилянти.

Бироқ техника ижодий тараққиётининг барча проблемалари ҳал этилган деб бўлмайди. Маиший хизмат, коммунал хўжалиги, маҳаллий саноат ташкилотларида техника ижодида қатнашиш даражаси юқори эмас. Бу соҳаларда рационализатор д и к таклифларидан кам фойдаланиляпти, уларнинг самараси юқори эмас. Бир қатор корхона ва ташкилотларда буюртмалар бўйича авторлик гувоҳномалари бериш ҳам ўлдажўлда қолянти. Ўртача ҳар уч ихтирочилик таклифининг биттасигина жорий этилаётгани иш савияси пастлигидан далолат беради.

ВОИР ташкилотлари новаторларнинг рационализаторлик таклифларини жорий этиш, ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, модлий ва маънавий рағбатлантиришнинг турли формаларидан фойдаланиш, меҳнаткашларнинг ижодий бирлашмаларини ривожлантиришларини лозим, ВОИР советлари, касаба союз ташкилотларини куч-ғайратларини меҳнаткашлар техника ижодини янада ривожлантиришга қаратишлари зарур, бу эса ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишнинг муҳим гаровидир.

НОВАТОРЛАР ҲИССАСИ ОШСИН

А. З. АБДУЛЛАЕВ,
ВУТУНИТТИФОҚ ИХТИРОЧИЛИК ВА РАЦИОНАЛИЗАТОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ РАИСИ.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Аввал бўлиб ўтган конференциядан сўнгги йиллар область касаба союзларини ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш, уларнинг ишлаб чиқариш ва жамоат ҳаётининг ҳамма соҳаларига таъсирини янада кучайтириш йўллари бўлди. Ҳозир область касаба союз ташкилотлари сафида 1,5 миллион киши бор. Улар 7,5 мингта бошланғич касаба союз ташкилотларига бирлашган.

* * *

Область бинокорлари 4 миллиард сўмлик капитал маблағни ўзлаштиришди. Шу даврда 750 минг тонна пўлат ва 762 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Жаҳонда биринчи марта цементни қуйи ҳароратда синтез қилиш тажриба саноат установкаси ишга туширилди. 4 миллион квадрат метрдан энёд турар жойлар фойдаланишга топширилди.

Иқтисодий таълимнинг самарадорлиги учун

В. Г. МУШКАРЕВ,
В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ЭЛЕКТРОН.ТЕХНИКА ЗАВОДИ ДИРЕКТОРИ.

Бу сарлавҳани кўриб баъзилар ажабланишлари ҳам мумкин. Ахир, ўқувнинг бутун заводга берадиган фойдасини пул ёки процентларда ўлчаш жуда-жуда қийин ишда. Аммо бошқа томондан қараганда иқтисодий таълимнинг оширилган социалистик мажбуриятларни қабул қилишга, мусобақани ривожлантиришга, ишчи, инженер-техник ҳодимларнинг активлигини оширишга сезиларли таъсир кўрсатаётганлигини комил ишонч билан айтиб ўтмоқчиман. Бу социалистик мажбуриятлар янада реалроқ, иқтисодий жиҳатдан асосланаяпти.

Иқтисодий таълим мактабларимизни и н г, шу жумладан коммунистик меҳнат мактабларининг раҳбарлари тингловчиларнинг оладётган билимлари улар дунё қарашининг таркибий қисми бўлиб қолишига, актив ҳаётий позицияни шакллантиришга, жамоат бурчига онгли муносабатда бўлишига асосий эътиборни қаратишган. Айниқса «Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишнинг тажрибалари» курси бўйича машғулотлар самарали бўляпти. Бунда тингловчи ва раҳбарларнинг ишини осонлаштирадиган, корхона ҳаётидан олинган мисоллар кўп ёрдам бермоқда.

Масалан, йигув цехларидан биридаги коммунистик меҳнат мактабида унга катта мастер В. И. Гусев раҳбарлик қилаяпти. Тажриба ўрганиш бевосита иш жойида ўтказиляпти. Бу форма яхши натижа бераяпти. Етти тингловчи ўтган йили «Коммунистик меҳнат зарбдори» комини олди. Тўрт киши ўз малакасини оширди.

Яна бир мисол, 8-йигув цехи корхонада беш йиллик топшириқларини бажарганлар сони бошқа цехларга қараганда кўпроқдир. Бу цех В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача тўқимачилик комбинатининг ишчиларга тажрибали рационализаторлари ва ихтирочилари ёрдами ҳаракати кенг ёйилянти. Масалан, Тошкент трактор заводида ВОИР советининг партком, корхона касаба союз комитети билан ҳамкорликда иш олиб бориши натижасида сўнгги йилларда ихтирочилик ва рационализаторлик ишлари анча яхшиланди. Корхонада бир неча йиллардан бери ихтироларни танлаб олиш, планлаштириш ва фойдаланиш комплекс системаси ишлаб турибди. Бу ишларни тартибга солиб ва ишлаб чиқиш мақсадлари, рационализаторлик таклифлари жорий этиш юзасидан схема тасдиқланган. Шунингдек, «Рационализаторлик таклифларини расмийлаштириш, таклиф этиш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисида» корхона низоми ишлаб чиқилган. ВОИР советининг ташкилий иши натижасида корхона кўрсаткичлари анча яхшиланди. 1979 йилда 707 та рационализаторлик таклифидан ва 51 ихтиродан фойдаланилди. Бу эса 851 минг сўм иқтисодий самара берди. Заводнинг электрчиси В. Левин, слесари О. Ефремов, бюро бошлиғи К. Узиканов, темирчи Г. Бакиновский ва бошқалар ҳақли равишда энг яхши рационализаторлар ҳисобланишади.

«Ташсельмаш» заводининг рационализаторлари ўтган йили 586 тонна чўян, металл, пўлат қуйилмаси, 33 тонна алюмин, 2297 минг киловатт соат-электр энергиясини тежаб қолдилар. Умуман ихтиролар ва рационализатор л и к таклифларидан фойдаланиш натижасида 554 минг сўм иқтисод қилинди.

Ихтирочилик ва патент— лицензия ишлари илмий-тадқиқот институтларида, айниқса, яхшиланмоқда. Масалан, «Средазниигаз»да 1979 йилда 109 та таклиф тушди. Авторлик гувоҳномалари бериш тўғрисида 74 та қарор қабул қилинди. Уларнинг кўпчилиги патент олишга тавсия қилинди. Институтнинг ўнлаб таклифлари «Союзузбекгазпр о м» ва «Ўзбекнефть» корхоналарида муваффақиятли фойдаланилянти.

Бироқ техника ижодий тараққиётининг барча проблемалари ҳал этилган деб бўлмайди. Маиший хизмат, коммунал хўжалиги, маҳаллий саноат ташкилотларида техника ижодида қатнашиш даражаси юқори эмас. Бу соҳаларда рационализатор д и к таклифларидан кам фойдаланиляпти, уларнинг самараси юқори эмас. Бир қатор корхона ва ташкилотларда буюртмалар бўйича авторлик гувоҳномалари бериш ҳам ўлдажўлда қолянти. Ўртача ҳар уч ихтирочилик таклифининг биттасигина жорий этилаётгани иш савияси пастлигидан далолат беради.

ВОИР ташкилотлари новаторларнинг рационализаторлик таклифларини жорий этиш, ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, модлий ва маънавий рағбатлантиришнинг турли формаларидан фойдаланиш, меҳнаткашларнинг ижодий бирлашмаларини ривожлантиришларини лозим, ВОИР советлари, касаба союз ташкилотларини куч-ғайратларини меҳнаткашлар техника ижодини янада ривожлантиришга қаратишлари зарур, бу эса ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишнинг муҳим гаровидир.

Кўпстанокчилик ҳаракати кенгайяпти

Э. Т. ҲАМИДОВ,
ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ КАСАБА СОЮЗ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ.

Комбинат касаба союз ташкилоти социалистик мусобақани ривожлантириш йўлида катта иш қилмоқда. Унда бутун коллектив иштирок этиши учун нўпгина ишлар амалга оширилди. Бизда цех, участка, фабрикалар ўртасида ўзаро мусобақа ташкил этилган. Уларда 10 мингдан зиёд киши иштирок этди.

Мусобақа илғорлари зарбдор меҳнат намуналарини кўрсатишяпти. Юксак натижаларга эришишяпти. Улар орасида машҳур тўқувчи, кўпстанокчилардан Нина Васильевна Ершова ва Нина Ивановна Солдатовалар бор. Улар А. С. Верзилина, Л. С. Герасимова сингари илғорларимизнинг ташаббуси изидан бориб, бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқни бажаришга қарор қилди. Бу ташаббус шаҳар ва область меҳнаткашлари ўртасида қизғин қўллаб-қувватланди.

Касаба союз ташкилотларининг ўз вазифаларини бажаришларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, касаба союз комитетлари составига ташаббускор, ғоявий жиҳатдан етук, меҳнатда ва жамоат ишида ўзини кўрсатган кишиларни таклиф этиш муҳим роль ўйнайди.

Кейинги вақтларда касаба союз активи ва кадрларнинг сайланган составининг сифати анча яхшиланди. Шу билан бирга шундай касаба союз ташкилотлари ҳам борки, улар ўз корхоналари фаолиятига, меҳнат коллективларининг иш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун кўрашига етарлича актив таъсир кўрсатмаяпти.

Саноатда ялпи маҳсулот ҳажмининг ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари беш йиллик топшириқларидан ортда қолмоқда. Халқ хўжалиги ва аҳолининг транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаларига бўлган эҳтиёжлари қондирилмаяпти.

Қурилишда капитал маблағларни ўзлаштириш, тугалланмаган қурилишлар объектларини камайтириш ва иш сифатини ошириш борасида жиддий камчиликлар мавжуд.

Кўпгина касаба союз ва хўжалик ташкилотлари меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, меҳнат шароитини яхшилашга, ишлаб чиқаришда ишларнинг бир маромда боришини талаб даражасида ташкил этишга етарлича эътибор беришмаяпти.

Шу борада КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Халқ хўжалигида меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар қўнимсизлигини камайтириш тўғрисида»ги қарори катта аҳамиятга эга. Бу ҳужжатда меҳнат унумдорлигини ошириш, кадрлар қўнимсизлигини камайтириш ва социалистик экономикани янада ривожлантириш, халқнинг моддий ва маданий фаровонлигини янада оширишга, кўмаклашувчи кенг тадбирлар комплекси белгилаб берилган.

Бир қатор касаба союз ташкилотлари ишчи, колхозчи ва ҳизматчиларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини ошириш учун ҳар бир меҳнатчида топширилган иш учун масъулият ҳиссини тарбиялаш учун мавжуд тарбиявий ва оммавий-маданий тадбирлардан тўла фойдаланаяпти, деб бўлмайди. Касаба союз ташкилотларининг тарбиявий ишлари савияси совет кишиларининг ўсиб бораётган билими ва маданий савияларига ҳали тўла жавоб бермаяпти, социал-иқтисодий жараёнлар ва совет жамиятининг маънавий ҳаёти тараққиёти етарлича ҳисобга олинмаяпти.

Ҳисобот даврида область касаба союзлари партия ташкилотлари раҳбарлиги остида ҳар томонлама чиниқиш мактабини ўтадилар, ўзларининг ташкилотчилик қобилиятларини кўрсатдилар. Вазифа шундан иборатки, ҳамма жойда ленинча ишлаш услубини қарор топтиришда, Тошкент ва область меҳнаткашларини беш йиллик режаларини муддатидан илгари бажариш, зарбдорона, коммунистчасига ишлашга сафарбар этишда тўпланган барча тажрибалардан ижчил фойдаланиш лозим.

Меҳнатни ташкил этишнинг самарали усулларини ёймасдан туриб, мураббийларнинг катта отрядисиз кадрлар тайёрлаш масаласини ҳал этиб бўлмайди. Мураббийлар сони муттасил ошиб бораяпти. Ҳозирги пайтда 908 энг яхши рационализатор А. Верзилинанинг «Ёш ишчига — мураббий марраси» ташаббусига қўшилиб, 1190 ёш ишчига ўз тажрибаларини ўргатишяпти. Г. Курицина, Р. П. Семендяева, С. Одинцова, С. Пўлатова, М. А. Семеш, Е. М. Ефремова, Р. Запороженко ва бошқалар энг яхши мураббийлар ҳисобланишади.

Беш йилликнинг якунловчи йили янги ташаббуслар билан бошланди. В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача беш йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилган москваликлар ташаббусини 277 киши қўллаб-қувватлади. Комбинатда янги техникани ўзлаштириш бўйича социалистик мусобақа шартлари тасдиқланди. 432 инженер-техник ходим шахсий план асосида ишламоқда. 20 дан зиёд илғорлар эса турдош корхоналар— Олмаота, Иваново, Фарғона корхоналари илғорлари билан мусобақалашмоқдалар.

Ҳар ойда социалистик мусобақа якунлари кўриб бориляпти. Касаба союз комитетининг йиғилишларида коллективлардаги у ёки бу ташаббуснинг қандай ёйилаётганлиги тўғрисидаги масала ҳам муҳокама этилмоқда. Мураббийларнинг ҳисоботлари тингланаяпти. Бизда мураббийлар совети ишлаб турибди. Мураббийлар мактаби ва касаба союз активистлари мактаби ҳам ишламоқда.

Касаба союз ташкилотининг вазифаси ташаббус издошларини қўпайтириш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатини кенгайтириш, мусобақа ошкоралигини кучайтириш, илғорлар тажрибасини кенг ёйиш, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олишдан иборат.



Тошкент Марказий телеграфининг 1-магистраль хизмати цехида коммунистик меҳнат зарбдори, биринчи классли телеграфчи, алоқа аълочиси Инна Банина йигирма йилдан бери фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. У ёшларнинг мураббийси, цех комитетининг аъзосидир. Ҳамкасблари уни Тошкент область касаба союзлари Советининг конференциясига делегат қилиб сайлашди.
М. Нуриддинов фотолари.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Шаҳар ва область касаба союз ташкилотлари йиғим-теримда катта ҳисса қўшишди, юксак кўрсаткичларга эришишди: Тошкент область пахтазорларида 470 минг тонна «оқ олтин» йиғиб-терib олинди.

* * *

Меҳнат муҳофазасига йилдан-йилга кўпроқ маблағ ажратиляпти. Беш йиллик бошидан буён 96 миллион сўм сарфланди. Механизациялаш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва енгиллаштириш бўйича энг яхши ишлар учун кўрик-конкурс сезиларли натижа берди. Ишчи ва мутахассислардан 1512 та таклиф тушди. У 9,2 миллион сўмлик иқтисодий самара берди.

* * *

Шаҳар ва областда 139 та касаба союз клублари, маданият уйлари ва саройлари, 2,5 мингдан энёд «қизил бурчак»лар, 177 та кутубхона бор. 90 мингга яқин киши 4 мингдан энёд ҳаваскорлик тўгаракларида шуғулланаяпти.

* * *

Ўтган йилнинг ёз мавсумида пионер спорт, соғломлаштириш, санатория лагерларида ва бошқа болалар базаларида 150 мингдан энёд бола дам олди. 10 ва 11-беш йилликда областда бир сменада 5600 болани қабул қиладиган 17 та пионер лагерн қуриш кўзда тутилаяпти.

* * *

Сўнгги 3 йил ичида қўшимча 32 та физкультура коллективи ташкил этилди. Касаба союзларининг кўнгилли спорт жамиятлари умумий составида ҳозир 335 мингдан киши бор. 690 та корхона ва муассасада ишлаб чиқариш гимнастикаси йўлга қўйилган. Физкультура коллективлари ва турар жойларда 70 мингдан энёд меҳнатчи ва уларнинг оила аъзолари соғломлаштириш группаларида шуғулланишаяпти. Ҳар йили спортнинг оммавий турлари бўйича спартакиадалар, спортнинг муҳим турлари бўйича ВЦСПС кубоги учун мусобақалар, касаба союз ва комсомол ташкилотлари томонидан бошқа турли мусобақалар уюштирилаяпти.

* * *

Ҳисобот даврида туризм ва экскурсиялар янада кенгайди. «Здоровье», «Лижник» поездлари, шанба ва якшанба кунлари Чимёнга борадиган автопоездлар хизматининг янги формалари кенг ёйилаяпти. Ҳозир турар жой-маиший шароитлари анча яхшиланган бу жойда учта тўққиз қаватли турар жой биноси ва янги осма йўл барпо этилаяпти.

* * *

Чет эл туризми бўйича Тошкент области 40 дан давлат билан халқаро алоқа қилмоқда. Ҳисобот даврида туристик саёҳат йўли билан саноат, қишлоқ хўжалиги илғорлари фан, маданият ва санъат арбобларидан 6 мингдан энёд киши чет элларга бориб келди.

КАСАБА СОЮЗ ТАШКИЛОТЛАРИДАН ХАБАРЛАР

ГРАФИКДАН ЎЗИБ

2-пойафзал фабрикасининг С. Ларионова бошлиқ бичиқчилар коллективи бригада усулига биринчилар қатори ўтиб ишлай бошлаган эди. 1976 йилда ташкил этилган бу бригада тез орада коммунистик меҳнат коллективи номини олди.

Бригаданинг барча аъзолари (улар етти киши) касаба союз активистлари ҳисобланишади. Ёшлар тарбияси, ишлаб чиқариш жараёнларини яхшилаш юзасидан катта иш олиб боришяпти. Бригада юзлаб минг дециметр материални тежаб қолди. Ойлик топшириқларни эса 130 процент ошириб бажаришяпти.

В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига оширилган мажбурият қабул қилинди. Шу йилнинг 22 апрелигача олти йиллик топшириқни бажариш, кўплаб маҳсулотлар тайёрлаш ва материалларни тежаш мажбуриятини олишди.

КЕЛГУСИ БЕШ ЙИЛЛИК ҲИСОБИГА

«Миконд» заводида йигувчи Н. Рябова бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси катта муваффақиятларга эришмоқда. Коллективнинг ҳар бир аъзоси кундалик топшириқни 150 — 160 процентдан бажаряпти. Бригадирнинг ўзи касаба союз активисти. ёшларнинг мураббийси, цех комсомол бюросининг аъзосидир. Касаба союз ташкилотчиси О. Кандрашова ёшлар мураббийси М. Когобаева ва бошқалар зарбдор ишлашяпти.

Маҳсулот сифатини яхшилашга коллектив айниқса эътибор беряпти. Бир қатор янгиликларни жорий этиш натижасида сифатли буюмлар кўпроқ тайёрланадиган бўлиб қолди. Коллектив беш йиллик топшириғини бажариб, ҳозир ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқда. Бригада беш йилликнинг якунловчи йилида «Мураббийларнинг маҳорати, комсомолларнинг ғайрат ва шижоати— беш йилликка шиори остида ишламоқда.



БИЛМАЙИН БОССАНГ ТИКАННИ...

Ҳамма ўйларди. Синф сокин эди. Ўқувчилар иншога мос иборалар топишга ҳаракат қилишарди. Отасининг касби, ҳунари, юриш-туришидан тортиб, кулишигача ифодаланаётган иншоларга кўзим тушиб, фарзандлар ва оталар орасидаги муносабат, қадр-қиммат, меҳр-оқибат, муҳаббатни биляпти, ҳар бир отанинг қиёфаси кўз олдимда гавдаланар, уларга нисбатан ихлосим ортарди. Фақат Анвар негадир сўст, паришон. Ҳадеб деразага қараб алланималарни ўйлар, баъзан енгил «уҳ» тортиб пешанасини ушлаб узоқ хаёлга чўмарди. Олдига бордим. Кўзим дафтардаги биргина жумлага тушди:

«Мен отамни танимайман, унинг сифатларини ҳам билмайман, отам яхши одам бўлмаса керак».

Шу тобда Анвар менга қарадию, юзлари «лов» этиб қизариб ўрнидан турганича эшикка отилди. Менга воқеа аён бўлди. Иншолари йиғиб олдим. Анварнинг жисмини билмай чертиб қўйганлигимга жудажуда ачиндим, нима қилай, мавзу «Менинг отам» деган эркин иншо эди-да.

Эртасига Анварларникига бордим. Иншосини онасига кўрсатдим. Унинг ранги бўздек оқариб кетди.

— Қаердан билибди-а?! Бундай бўлиши мумкин эмас. Ахир шу бола деб у қишлоқдан кўчиб келганмиз. Қаравой ака Анварни ўз боласидан аъло кўрадилар-ку! Вой, ҳаммаси бекор бўлибди. Қайси нomунсоф айтди экан болага бу мудҳиш тарихни, — деб хаяжонланди она...

... Ушанда Анор ҳам тўққизинчи синфда ўқир эди. Ҳар йили тоққа енгил йиққани студентлар келишиб бир-икки ҳафта тоғда бўлишарди. Бу йил улардан бештаси Ҳанифа холаникида туришди. Ҳанифа хола боғи билан Анорхонлар боғини пастак эски паҳса девор ажратиб турарди. Анорхон бир куни қорачадан келган узун бўйли йигит ўзини кузатиб турганини сезди. Парво қилмади. Эртасига ҳам, индинига ҳам бу ҳол давом этаверди. Бир куни ўша йигит тоққа бормабдими, девор олдига келиб Анорхонга:

— Анорхон, мактабни тугатиб, ўқишга киришингиз керак-ку? — деди.

Анорхон ҳайрон бўлди.

— Билмайман, — деди уялиб,

— Шаҳарга боринг, бизнинг институтга киришингизга ёрдам берамиз. Бирга ўқиймиз, — деди йигит.

Анорхон, қайси институт, деб сўрашга ботина олмади. Улар ҳар куни девор олдида бир зумгина учрашиб суҳбатлашиб турадиган бўлиб қолишди.

Бир куни йигит Анорхонга букланган қоғоз бериб, кетаётганини айтиб, хайрлашди. Анорхон кўркиб кетди. Хатни очса, «Мен сизни жондан севиб қолдим. Сиз-чи? Шу адресга жавоб ёзинг. Олим», дебди. Анорхон худди биров кўриб қоладигандек хатни яширди. Юраги қинидан чиқиб кетаётгандек безовта бўлди. Шу кундан бошлаб Анорхоннинг ҳаловати йўқолди. «Севги дегани шу бўлса керак» деди ўқиган китобларидаги қаҳрамонларни эслаб. Лекин қизлик ғурури уни Олимга хат ёзишга кўймади.

Бир куни онасига мактабни битиргач, шаҳарга ўқишга бориши ҳақида гап очса, онаси эшитгиси ҳам келмади. Бу табиий эди. Ахир қандай юборсин. Ўтган йили Анорхоннинг отаси вафот этган, укалари ёш. Унинг устига қишлоқда ҳали бирор қиз шаҳарга бориб ўқигани йўқ. Анорхонни юборишармиди? Фақат ўқитувчи Энажон ая билан Ғуолма аягина шаҳарда сиртдан ўқишади холос.

Баҳор келди. Ерлар майсалар билан қопланди. Далада иш қизғин. Анор мактабдан қайтаётган эди. Йўлдаги катта ҳарсанг устида биров ўтирибди. Қайси кўз билан кўрсинки, бу ўша йигит — Олим эди. Қиз нима қилишини билмай қолди. Йигит ўрнидан туриб, у томон келаверди:

— Салом, Анорхон!

— деди-у кўл чўзиб.

Анорхоннинг қўллари ҳаяжондан қалтираб кетди. Оғзига «вой», «вой» деган сўзлар бошқаси келмади. Анорхоннинг бу ҳолати Олимга жуда ёқди шекилли, — ўзини Анорхонга яқин тутиб:

— Нега хат ёзмадинг гиз? — деб айёрона кузатди уни.

— Билмадим, — деди Анорхон ийманиб.

Анорхон ўзига келиб, атрофга аланглади, у биров кўриб қолмасин деб, тез-тез юра бошлади.

— Юринг, бироз ўтирайлик, — деди йигит унга.

— Йўқ, мен кетдим, — деди қиз уй томон чопиб кетатуриб.

Кийикдек ўйноқлаб кетаётган Анорхонга тикилганча қолган Олим бир оздан сўнг ҳоланикига келди. Анорхон бораётган эди, Олим писиб ётган экан, «лип» этиб тушдию, Анорхонни қучди.

Ойдин тун. Фақат чигирткаларнинг чириллашидан, пастда дарёнинг шовуллашидан бўлак товуш эшитилмасди. Атроф сирли, вақимали туюлди Анорхонга. У титради.

— Қўрқманг, мен бегонаманми, яқинда бирга бўламиз, сизни шаҳарга олиб кетаман, — деди у Анорхонни эркалаб... Тонг ғира-шираси кизи туғиб қўйибди», — деган хабар тарқалди. Одамлар орасида бош кўтаролмай қолган хола Олимни қидириб шаҳарга кетди. Сўраб-сўраб Кўкча маҳалласига келди. Данғиллама ҳовлига кирди. Ясан-тусанни жойига келтирган танноз хотин Сожида холани адашиб, бу хонадонга кирган бўлса керак, — деб қўл учида совуққина кўришиб, «Самиғ амакиникини қидираётган бўлсангиз керак-а, ача?» — деди.

— Йўқ айланай, Олимбойнинг ойилари бўласизми?

— Ҳа, — деди аёл, — нима эди?

— Сизга гапим бор.

— Қанақа гап экан? — деди ўтиришга ҳам таклиф қилмай.

— Бир пиёла сув беринг, синглим, узоқдан келяпман.

Аёл Сожида холага сирли боқиб:

— Қаердан? — деб «ғарч-ғурч» ковушини судраб крандан сув буради ва унга тутди.

Сожида хола ток сўриси остидаги ёғоч омонатгина ўтириб, воқеани гапириб берди.

— Вой ўлай, секинроқ гапиринг, ача, шармандалик, биров биласин-а, боламнинг номига доғ тушади-ку! Энди нима демоқчисиз, қизимни олсин демоқчимисиз, йўқ! Олимжон бундай енгилтак қизларни хотин қилмайди... Ешлигида қариндошимизнинг қизига бешикерти қилиб қўйганмиз.

— Ахир боласи-чи?

— Ким биларди, бола уникими, бошқаникими?

— Бўлари бўлибди, бўёғи синибди, энди гапни чўзманг, Олимжон йўқ. Бўлганда ҳам бундай аҳмоқ қизни олмайди. Яхшиси болани етимхонага топширинглар, вассалом!

Сожида холанинг кўз ўнги қоронғилашди. Тарвузи қўлтиғидан тушиб, кечқурун қишлоққа етиб келди.

Анорхон онанинг авзойини кўриб воқеани укди, ортиқ тоқат қилолмади. Ярим кечада болани кўтариб, Паркентда кўр бўлиб қолган амакисиникига кетди.

Тақдирга тан берди. Совхозга кириб ишлай бошлади. Анваржон ҳам ширин жилмаядиган бўлиб қолди. Шу орада Ҳотамбой деган сувчининг хотини вафот этди. Тўрт бола етим қолди. Кичиги эмизикли эди. Қўниқўшнилар Анорхонни кўндириб унга никоҳлаб беришди. Ҳотамбой ака Анварни ўз боласидек севарди. Анорхон ҳам етимларни ўкситмади. Ҳаёт бир текис ўтаверди, аммо Анорхоннинг қалбида катта доғ бор эди. Бугунги воқеа унинг ўйламай босган тиканининг заҳри, азоби эди. Фарзанд ўз ота-онаси билан яраб-яшнар экан. Бу катта ҳаёт йўлини босиб ўтганларнинг, ота-боболаримизнинг нақли-да!

Қ. АБДУЛЛАЕВА,
Қорақиёзий номли Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг илмий ходими, педагогика фанлари кандидати.

ОДАМДА ҲАММА НАРСА ГЎЗАЛ БЎЛСИН

ЯХШИ ЛИБОС ҲАМ ХУСН

Фаровон ҳаёт ва турмуш тарзимиз кийим-кечакларини инг ҳам гўзал бўлишини талаб қилади. Кийимкечак киши қоматининг характерли белгисига мос бўлиши, қадди-қомат гўзаллигини намоён этиши, камчиликларини яширши, кишининг касбига ва бутун ҳаётимиз маромига уйғун бўлиши лозим. Кийимкечак ҳаддан ташқари ажралиб туриши, бичиғи ва ғоят индивидуализми билан кишилар эътиборини ўзига тортмаслиги лозим.

Одамнинг устидаги костюмнинг чиройли, тоза, ярашиб туриши фақат ўзини ҳурмат қилишинигина билдириб қолмай, балки атрофдагиларни ҳам ҳурмат қилишини билдиради.

Кийимлар иш кийими, уй кийими, спорт кийими, байрам кийими, йўл ва ҳоказо кийимлардан иборат бўлади. Ишда, уйда ва меҳмондорчиликка борганда кийиладиган кийимлар бошқаларидан катта фарқ қилади. Оддий, қулай ва чиройли иш кийими ишлаб чиқариш маданиятидан дарак бериб туради. Ёшлар кийими ўзига хос бўлади. Улар оддий, енгил, ёш тананинг ҳаракати ва пластикасига ҳалал бермайдиган бўлиши лозим.

Одатда, кийим бошқа барча нарсаларга қараганда модага ўта таъсирчан ҳисобланади. Ҳўш, мода дегани нима? Мода сўзи лотинчадан таржима қилинган услуби, кийиниш услубини, ўзини тутиш услуби ва бошқа шу каби маъноларни билдиради. Аммо мода киши турмушининг бошқа соҳаларига ҳам тааллуқлидир, албатта. У оригиналликдан, бошқалардан ўзгароқ кўриниш ёки индивидуалдид ўз ифодасини топган буюм яратишга интилишдан бошланади.

Кишининг модага қараб ва дид билан кийинишга интилиши табиий ҳолдир. Мода ўз костюмига, квартирасига, уй-рўзғорига ўзига хос жиҳат ва шахсий дид киритилишига зид келмайди, бунда варинтлар сонсаноқсиздир. дид қанчалик турли-туман бўлса, шунчалик яхши. Аммо бунда шаблондан, бир хилликдан, моданинг бўлмагур жиҳатларидан, атрофдагилардан ташқи ғалатилик ва кийим-кечаклар воситаси билан ажралиб туришдан қочиш керак.

Модага хос кийинишдан кўра ҳар ким ўзига ярашадиганини кийиши шартлигини эсдан чиқармаслик керак. Агар ҳам модага қараб, ҳам ўзига ярашадигани кийиладиган бўлса, нур устига аъло нур бўлади.

РАССОМ ТАБАССУМИ



— Э, сўраманг, дўхтир, трамвайда оёгимни платплин кийган бир қиз гарчиллатиб босиб олди.



Паришонхотир киши. А. ҲОЛИҚОВ расмлари.



ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ГДРНИНГ САВДО АЛОҚАЛАРИ

БЕРЛИН. Утган йили ГДРнинг ташқи савдо оборотн 109 миллиард маркага етди. Республика ўз тарихида биринчи марта «100 миллиардлик марра»дан ўзиб кетди. Ҳозирги вақтда ГДР халқ хўжалиги турли тармоқларининг маҳсулоти барча қитъалардаги мамлакатларда муносиб даражада манзур бўлиб қолди.

Социализм мамлакатлари республикаларининг ташқи савдо алоқаларида етакчи роль ўйнамоқда. Товар обороти бутун ҳажмининг учдан икки қисми социалистик мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. 1979 йилда ГДРнинг капиталистик давлатларга экспорти ҳам анча кўпайди. Ҳар хил маҳсулотларни, шу жумладан машинасозлик, вагонсозлик, автомобилсозлик, химия саноати ва бошқа тармоқларнинг турли маҳсулотларини ривожланган мамлакатларга юборишн 11 процент кўпайди. Ҳозирги вақтда ГДРнинг Жазоир, Анголе, Ҳиндистон, Ирок, Сурия ва бошқа мамлакатлар билан савдо муносабатлари айниқса муваффақиятли ривожланмоқда.

ЯНГИ ГАЗ КОНЛАРИ

ПРАГА. Чехословакия геологлари Ғарбий Карпат тоғлари этагида учта янги табиий газ конларини очдилар. Бу конлар яқин орада мамлакатнинг ёнилғи-энергетика саноатига катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Чехословакия мутахассислари шу конлардан фойдаланишнинг ажойиб лойиҳасини тузиб чиқдилар. Шу лойиҳа бу ерда газни ёқилғи-энергетикага эҳтиёж ғоят кўпайган даврда, асосан газга талаб айниқса кучаядиган қиш пайтида чиқаришни назарда тутади. Бу конлар ёз пайтида табиий газ омборлари бўлиб қолаверади. Бу конларда Совет Иттифоқидан газопровод орқали Чехословакияга келаётган «зангори ёнилғи» ҳам тўпланиб туради.

ЭНЕРГЕТИКЛАР МАЖБУРИЯТИ

БУДАПЕШТ. Вишонта энергетиклари Венгрия социалистик ишчи партиясининг бўлажак XII съездини ва мамлакатнинг фашист босқинчилардан озод этилганлигининг 35 йиллигини зарбдор меҳнат билан, юксак социалистик мажбуриятларни бажариш билан кутиб олишга ваъда бердилар.

Вишонтадаги тошкўмир разрези ва Юрий Гагарин номли иссиқлик электр станцияси ўн йилдан кўпроқ вақтдан бери ишлаб турибди. Улар эндиликда республиканинг энг катта энергия комплексларидан бирига айланди, қардош социалистик мамлакатларнинг муваффақиятли ҳамкорлигини кўрсатувчи ёркин мисол бўлиб қолди. Бу ерда кўмир қазиб чиқаришни йўлга қўйишда совет шахтёрларининг тажрибасидан, ГДР, Польша ва бошқа социалистик мамлакатлар корхоналарида ишлаб чиқилган машиналардан кенг фойдаланилди.

ГРАММЛАРДАН—ТОННАЛАР

УЛАН-БАТОР. Халқ Монголиясининг фабрика ва заводларида саноат хом ашёсини, ёнилғи ва энергияни тежаш учун оммавий кураш авж олди.

«Эрдэнэт» кон-саралаш комбинати коллективи 1980 йил учун қабул қилган мажбуриятларида 15 миллион киловатт-соатдан кўпроқ электр энергияни ва 6,5 минг тонна ёқилғини тежашни назарда тутади. Шу ҳисобдан улар маҳсулотнинг таннархини пасайтирадилар.

Хом ашё ва материаллардан, ёқилғи ва электр энергиядан яхши фойдаланиш Монголия Халқ Республикаси иқтисодий қудратини кучайтиришнинг муҳим омилларидан биридир.



БХР. Болгарияннинг Белоградчик шаҳридаги завод одатдаги рақамлари териладиган дискали телефон аппаратлари ўрнига рақамлар кнопкалар ёрдамида териладиган телефон аппаратларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Аппаратда тез-тез териладиган рақамларни эслаб қолувчи «хотира» мосламаси бор. Айрим моделдаги телефонларда одатдаги қўнғироқ ўрнига музика оҳанги чалинади.

СУРАТДА: корхона маҳсулотлари.

БТА—ТАСС фотоси.

САЙЛОВГА ИШОНЧСИЗЛИК

ЛОНДОН. Британия губернатори лорд Соумснинг ҳатти-ҳаракатларига кўра, Родезияда ўтказиладиган сайлов эркин ҳам, адолатли ҳам бўлмайди, дейилади Африка жанубидаги мазлум халқларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш фондининг бу ерда эълон қилинган меморандумида.

Инглиз мустамлакачи маъмурлари фавқулодда чораларни кучайтирмоқдалар. Минглаб кишиларни суд ва сўроқсиз турмаларга ташламоқдалар, кишиларнинг мол-мулкини, чорва моллари ва етиштирган ҳосилларини босиб олиб йўқ қилмоқдалар.

Африкаликлар сўз эркинлигидан маҳрум қилинганлар, уларнинг ҳаракати назорат қилиб турилади. Режим халқ нафратланаётган «мустаҳкамланган қишлоқлар»ни сақлаб келмоқда.

Шундай қилиб, Родезияда сайловга тайёргарлик муҳити эмас, балки адолатсизлик, жабр-зулм вазияти, ирқчиларнинг Зимбабве миллий озодлик кучларига қарши урушга ҳозирлик кўриш вазияти вужудга келтирилган деб уқтирилади бенётда.

ИЛМ ОЛИШ МУШКУЛ БЎЛИБ ҚОЛДИ

БОГОТА. Колумбияда янги ўқув йили бошланди. Статистика маълумотларига кўра, Лотин Америкасидаги ана шу мамлакат аҳолисининг қарийб ярми етти ёшдан 25 ёшгача бўлган кишилардан иборат. Бироқ ҳамма илм олишга муяссар бўлавермайди. Колумбиянинг социолог-олими Альберто Эскальон «Экспектадор» газетаси мухбири билан суҳбатда бундай деди: мактаб ёшидаги ҳар минг боланинг 300 таси, ҳатто бошланғич мактабга бориш имкониятидан ҳам маҳрум. 700 ўқувчидан бирингина олий ўқув юртига кира олади.

Ўқишнинг қимматлиги бунинг асосий сабабларидан бирндир. Масалан медицина факультетида бир йил ўқиш учун 2 минг доллардан кўп тўлаш керак. Бу эса ўртача ҳақ оладигсн ишчининг қарийб 20 ойлик иш ҳақига тенг.

«ЙЎЛБАРС» ОПЕРАЦИЯСИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Ғарбий Бенгалия штатидаги Сундербан миллий парки энг катта йўлбарс қўриқхоналаридан ҳисобланади. Бу ерда 5 минг квадрат километр майдонда 245 та — олти йил аввалгидан тўрт баравар кўп йўлбарс яшамоқда.

Ярим аср аввал Ҳиндистонда 40 мингга яқин йўлбарс бор эди. Аммо ўрмонзорларни орқа-кетига қарамай кесавериш ва қимматбаҳо терниси учун йўлбарсларни раҳм-шафқатсиз овлайвериш натижасида 70-йилларнинг бошларига келиб, улар атиги бир ярим мингта қолди. Шундай қилиб, 1970 йилда ҳукумат йўлбарсларга ўқ узишни тақиқлаб қўйди.

Ноёб ҳайвон сонини кўпайтириш мақсадида Сундербан миллий паркида «Йўлбарс» операцияси бошланди. Бу ерда яшайдиган ҳайвонлар учун ўнта катта янги қўриқхона барпо этилмоқда.



Шаҳримиздаги 427-болалар боғчасининг тарбияланувчилари этишмоқда. ўзбек халқ рақсини ижро Р. Альбенов фотоси.

Сураган экансиз..

Фритюр нима?

Ҳурматли редакция! «Пазанда маслаҳати» рубрикасида кўпинча «фритюр» деган сўзга кўзимиз тушади, бунинг маъноси нима?

А. АСАДОВА, уй бекаси.

— Фритюр аслида французча сўз бўлиб, доғланган кўп ёғ деган маънони билдиради. Фритюрда қовуриш пазандаликдаги технологик усулларидан бири ҳисобланади. Бунда қовуриладиган масаллиқнинг сирти чиройли ва кусур-кусур бўлиши учун ёғ нисбатан 3 ҳисса кўп олинади. Масалан, бир килограмм қовурма чучвара, чакчак ёки ўрама қовуриш учун уч килограмм ёғ доғланади. Ортган ёғ сузиб олиб қўйилиб, яна ишлатса бўлаверади.

Ҳар қандай миллий пазандаликда француза терминлар учраши табиийдир, чунончи «салат» (тузланган сабзавот маъносида), «брезир» (ёғсиз қовуриш маъносида, яъни гўштни қизиган қозонга солиб қовуриш), «бланшир» (масаллиқни қайноқ сувга ботириб олиш), «ресторан» (ошхонани бузилса, «реставрация қиладиган», яъни қайта тиклайдиган жой маъносида), «официант» (дастёр маъносида), «соус» (яъни қуруқ таомларни ютиш осон бўлсин учун тайёрланадиган сардак маъносида) ва ҳоказо.

Сабаби: медицинада дори рецепти бутун дунёда лотин тилида ёзилгани каби пазандаликда таом рецептини француз тилида ёзиш расм эди. XIX асрда рус пазандаси Елена Малоховец ўзининг «Уй бекаларига туҳфа» номли асарида таом рецептларини рус тилида ёзишни жорий қилади. Шундан бошлаб барча миллий пазандаликларда рецептлар ўз тилида ёзиладиган бўлди. Ҳар ҳолда эквиваленти топилгунча таом рецептини ёзганда айрим француз терминларини ишлатишга тўғри келади.

Қ. МАҲМУДОВ,
пазанда.

Ҳамшаҳарларимиз хизматида

30 ТА ПРОКАТ ПУНКТИ

Ҳозир шаҳримизда 30 та прокат пункти фаолият кўрсатиб, ҳамшаҳарларимиз хизматида бўлмоқда. Бу пунктлардан аҳоли тўй ва бошқа маросимларда ишлатиш учун идиш-товоқлар олиш билан бирга, оқ кора, рангли телевизорларни, ҳолодильник, тикув машиналарини прокатга олишлари мумкин. Қуйида ана шу прокат пунктлари баъзиларининг адрес ва телефонларини берамиз:

Новомосковский кўчаси 49-уй, телефони — 35-35-00; Чилонзордаги савдо мажмуаси, телефони — 77-14-21; Високовольт кўчасидаги 34-уй, телефони — 62-64-53; Сергелидаги маиший хизмат кўрсатиш уйи, телефони — 53-85-88; Чилонзорнинг 17-кварталидаги 50-уй; Муқимий кўчасидаги маиший хизмат кўрсатиш уйида; Чилонзорнинг 23-кварталига жойлашган 50-уй, телефони — 76-49-47; Кафанов кўчасидаги 92-уй, телефони — 56-16-90; Беруний кўчасидаги «Марказ—27» кварталига жойлашган маиший хизмат кўрсатиш уйида; Чирданцев кўчасидаги Максим Горький проспектига жойлашган 35-уйда.

Уй—рўзғор ташвишида

ИСИРИҚ САҚЛАЙДИ

Уйда узум, олма, анор, беҳи ва шунга ўхшаш сармеваларни узоқроқ сақлаш қийин бўладн. Бунда мевалар чириб, моғорлаб айний бошлайди. Лекин бунинг чорасини осонгина бартараф қилса бўлади. Мевалар турган жойда ҳафтада бир марта исириқ тутатсангиз кифоя. Исириқ тутунидан алколоидлар микроорганизмларни ўлдиради, мевалар сархил бўлиб, яхши сақланади.



Афғонистон Демократик Республикасида ҳаёт ўз изига тушмоқда. Корхоналар, магазинлар, транспорт ишлай бошлади.

СУРАТДА: пойтахтнинг янги турар жой кварталларидан бирининг қурилиш майдонида.

МТИ-ТАСС фотоси.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Қ. ҚОСИМОВ: Шаҳримизда енгил автомашиналар га, кресло ва диванларга ғилофлар тикиб берадиган маиший хизмат кўрсатиш корхонаси бор экан. Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Бу ерда шуни айтиш керакки, Тошкент «Сервис» фирмаси ҳамма маркадаги енгил автомашиналар, кресло, диван, стул ва пианиналар учун ғилофлар тикиб беришга аҳолидан буюртмалар қабул қилади. Буюртмалар фирма ёки буюртмачининг газламасидан тикилади. Меҳнат ҳақи эса прейскурант бўйича олинади. Бундай устахоналар шаҳримизнинг турли жойларида жойлашган. Жумладан, Каблуков кўчасидаги 17-уйда, Халқлар дўстлиги проспектидаги 2-уйда, Ж. Обидова кўчасидаги 141-уйда шундай устахоналар жойлашган. Бу устахоналар соат 9 дан 19 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба.

∴ ∴ ∴

А. ҲИДОЯТОВ: Ленин майдонидаги 20 қаватли маъмурий бино қачон қурилган?

Жавоб: В. И. Ленин майдонига кўрк бағиш этиб турган пойтахтнинг бу энг баланд иморати 1973 йилнинг 30 декабрида давлат қабул комиссияси томонидан аъло баҳога қабул қилинган. Уни Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 11-«Высотстрой» трести бинокорлари барпо этишган.

∴ ∴ ∴

К. РАҲМОНОВ, Т. ҒАНИЕВ: Биз Тошкент автомобиль ва йўллар институтининг студентлари институтимиз учун янги бино қурилаётганидан жуда хурсандмиз. Айтингчи, у қандай бўлади?

Жавоб: Автомобиль ва йўллар институтининг янги бинолари комплекси Лоҳутий кўчасида қад кўтарпти. Комплекс учун 3,4 гектар майдон ажратилган. У иккита ҳар бири 10 қаватли ўқув корпуслари, уч қаватли поток аудиториялар, ошхона, кутубхона, мажлислар зали каби қисмлардан иборатдир. Юқори қаватли икки корпус ўртасидаги блокда ректорат, поток аудиториялар жойлашади. Комплекс тўрт минг студентга мўлжалланган. Ҳозир комплекс қурилишида сўнгги бинокорлик ва пардозлаш ишлари бажариляпти.

∴ ∴ ∴

М. НЕЪМАТОВ: Ўтган квартала икки ой ишлаб ўз хоҳишимга кўра ишдан бўшаган эдим. Мен ҳар кварталда бериладиган мукофот пулини олишга ҳаққим борми?

Жавоб: Саноат корхоналарида ишлайдиган ишчи ва хизматчиларни мукофотлаш тўғрисидаги тартибларга кўра агарда ишчи ёки хизматчи Совет Армияси сафига чақирилганлиги, ўқув юртига ўқишга киргандиги, бошқа ишга ўтганлиги ёки штат қисқарганлиги сабабли ишдан бўшашга мажбур бўлган бўлса, бундай ҳолда у кварталнинг қайси кунигача ишлаган вақти учун мукофот олиш ҳуқуқига эгадир.

∴ ∴ ∴

Р. ЖАЛИЛОВ: Ешлар ўртасидаги халқаро спорт турнири бу йил қаерда ўтказилади?

Жавоб: Ешлар ўртасидаги анъанавий халқаро турнирни Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилинди. Ўнинчи марта байроғи кўтариладиган бу турнир учрашувлари 26 февралдан 5 мартгача давом этади. Бу сафар ҳам одатдагидек ўнта команда иштирок этади. СССРнинг биринчи ва иккинчи командалари, РСФСР коллективи, ЧССР, Венгрия, Болгария, Польша, ГДР, Финляндия ва Ўзбекистон терма командаларининг футболчилари куч синашадилар. Халқаро турнирнинг тантанали очилиши «Пахтакор» марказий стадионида ўтказилади.

3 Тошкент бет ақшоми

7 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.

физкультура ва СПОРТ

ОЛИМПИАДА МАШЪАЛАСИ

Олимпиада машъаласини Грециядан Болгария, Руминия орқали Совет Иттифоқига қариб беш минг киши олиб келади. Машъалани ким олиб келади, у қайси маршрут бўйлаб олиб ўтилади, трассаларни тайёрлаш ҳақида, йўл давомидаги тантаналар маросимлар тўғрисида «Олимпиада—80» Ташкилот комитети олимпия машъали эстафетаси ва ўйинларнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари бошқармасининг бошлиғи А. А. Кислов ТАСС мухбири А. Левинсонга сўзлаб берди.

4981 километр. 1980 йил 18 июндан 19 июлгача олимпия машъали қадимий Олимпия эҳромидан XXII ёзги Олимпиада ўйинлари тантаналари равишда очиладиган В. И. Ленин номли Марказий стадионгача бўлган йўл шунча масофадан иборат бўлади.

Афина вақти билан роппа-роса соат 11 да Олимпиада тантаналари юриши бошланади. Сўнгра кўҳна стадион майдонида машъала кўтариб югурувчи биринчи кишининг машъали ёндирилади.

Бу гал унинг йўли Москвага — XXII ўйинлар пойтахтига томон боради. Чоққирлар Греция территорияси бўйлаб 1170 километр йўл босадилар. 25 июнда эса Олимпиада олови эстафетасини Болгарияда қабул қилиб олишади. Олимпиада олови маршрути бу ерда Благоевград, София, Пловдив, Стара-Загора, Шипка, Габрово-Велико-Тирново, Ловеч, Плевен, Русе шаҳарларидан ўтади. Шу жойларнинг кўпчилиги Болгар—Совет дўстлигининг тимсолига айланган. Болгарияда Олимпиада оловини кутиб олиш асосий тантаналари Софиядаги «Дружба» стадионида ўтказилади. Юриш қатнашчилари Болгарилнинг бошқа шаҳарларида ҳам қизғин кутиб олинадилар. Масалан, Плевенда (бу шаҳарни 1878 йилда усмонийлар қуллигидан руслар озод қилишган) катта театрлаштирилган томошалар кўрсатилади. Унда ёшлар иштирок этадилар. Болгарияда умуман шу кунлари Олимпиада олови юриши йўллари бўйлаб турли тантаналар ўтказилади. Масалан, Софияда оловни 13 чавандоз кузатиб боради. Уларнинг ҳар бири Болгариянинг ўн уч асрлик тарихидан бир юз йилликни тимсолий акс эттиради. Болгариялик дўстларимиз 1981 йилда Болгариянинг 1300 йиллигини байрам қиладилар. Машъала кўтарувчилар ана шу жойлар мамлакат бўйлаб 920 километр йўл босадилар.

1 июль куни «Дўстлик» деб рамзий ном олган кўприкда (бу кўприк Болгария билан Руминияни Дунай дарёси орқали боғлайди) болгариялик спортчи румин атлетига Олимпиада оловини топширади. Руминиялик спортчи эса уни Руминия территорияси орқали янада узоқроққа. Румин—Совет чегараси томон олиб боради. Машъалани 593 километрлик Руминия йўллари бўйлаб олиб юриш шарафига мамлакатнинг энг яхши спортчилари — Олимпиада чемпионлари, жаҳон ва Европа чемпионлари муяссар бўладилар. Болгарияда бўлгани каби, бу ерда ҳам ҳар бир шаҳарда уларни тантанали ва қувончли учрашувлар кутади. Бухарестдан олов Плоешти, Бузэу, Римникул-Сэрат, Мэрэшешти, Фокшани, Ажуд, Бакэу, Роман, Тигу-фрумос, Ясси, Альбица шаҳарлари бўйлаб олиб ўтилади. Олимпиада оловини совет спортчиларига тантанали топшириш маросими Молдавиянинг Леушени қишлоғида ўтказилади.

Олимпиада олови 5 июлда ўз юришларини энди мамлакатимиз территорияси бўйлаб давом эттиради. Машъала кўтарувчилар 2294 километр масофани югуриб ўтишлари керак бўлади. Машъалани кўтариб ўтиш — катта шараф.

Олимпиада оловини СССР бўйлаб кимлар олиб боради? Биринчи навбатда таниқли спортчилар, асосан Европа, Жаҳон чемпионатларининг, Олимпиада ўйинларининг чемпионлари ва рекордчилари бу шарафга муяссар бўладилар. Қолганлар учун «Олимпиада олови» конкурси ташкил этилган. Унда Совет Республикалари — Молдавия, Украина, Россия федерацияси, Эстонияда эълон қилинганидек (шу республикаларнинг йўлларидан Олимпиада олови эстафетаси ўтади). 16 ёшдан юқори бўлган барча спортчилар қатнашиши мумкин. Лекин улар мусобақаларда ўз маҳоратларини намойиш қила олган, ГТО нормасини топширган ва конкурснинг махсус нормативларини муваффақиятли бажарган бўлишлари керак.

Конкурсда иштирок этиш ҳаракати ҳозирданоқ оммавий тус олди. Масалан, Таллин районидаги яқинда ўтказилган конкурс югуришида мингдан ортиқ киши қатнашди.

«Олимпиада — 80» Ташкилот комитети эстафета иштирокчилари учун эсдалик медаллари, нишонлар, вимпеллар таъсис этди. Ҳар бир машъалага кўтарувчи спортчи ўзи олиб келган машъалани эсдалик учун олади. СССРда жами 5 мингдан зиёд ана шундай машъала тайёрланади.

Мамлакатимиз бўйлаб Олимпиада олови совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат шуҳрати билан боғланган жойлардан олиб ўтилади. Тантанали маросимлар, байрамлар, барча санъат турлари таниқли намояндаларининг чиқишлари Кишинев, Киев, Харьков, Бельгород, Курск, Орель, Тула каби шаҳарларда ўтказилади.

18 июль куни олов 1980 йилги Олимпиада ўйинлари пойтахти — Москва шаҳрига олиб келинади. Эртасига эса машъала В. И. Ленин номли Марказий стадион йўлкасида пайдо бўлади. Бир неча минутдан сўнг стадион узра бўй чўзиб турган машъалани ёқиш шарафига муяссар бўлган спортчи кўҳна Олимп қуёши остида ўт олдирилган ва ёрқин алангаланиб турган машъала тутган қўлини у томон чўзади. Бир лаҳзадан сўнг катта машъала алангаланиб XXII Олимпиада ўйинлари бошланганидан дарак беради.

(ТАСС).

ТОШКЕНТНИНГ СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

Шайбали хоккей бўйича мамлакат биринчилигининг биринчи лигасида қатнашаётган «Бинокор» навбатдаги икки учрашувни ўз майдонида Уфа шаҳрининг «Салават Юлаев» командаси билан ўтказди. Бу сафар ҳам ҳамшаҳарларимиз яхши ўйин кўрсата олмадилар. Натижада улар биринчи куни учрашувни 3:5 ҳисобида бой беришди. Такрорий учрашувда эса 2:2 ҳисоби қайд қилинди.

* * *

«Ёшлик» спорт аренаси ва «Пахтакор» стадионининг югуриш йўлкалари бир неча кун спортчилар билан гавжум бўлди. Бу ерда енгил атлетика бўйича шаҳар шахсий-команда биринчилиги баҳслари ўтказилди. Беллашувларни ташкил қилишдан мақсад шаҳардаги енгил атлетикачиларнинг маҳоратларини Олимпиада йилида яна бир марта синовдан ўтказиш, жамият енгил атлетикани ривожлантиришга қандай аҳамият бераётганликларини аниқлаб олиш эди. Кўнгилли спорт жамиятлари ўртасидаги команда беллашувларида «Буревестник» спортчиларининг тайёргарликлари яхши эканлити маълум бўлди. Умумий якунда «Меҳнат резервлари» жамиятининг вакиллари иккинчи, «Спартак» кўнгилли жамият вакиллари учинчи ўринни эгаллашди.

Шахсий беллашувлар пайтида «Меҳнат резервлари»нинг аъзоси В. Казаков 60 метр масофани 6,8 секундда босиб ўтиб, биринчи ўринни қўлга киритди. Шу масофага ғовлар оша югуришда унинг командадоши Б. Бердин энг яхши натижа кўрсатди. А. Иброҳимов 5 километр масофага ўтказилган пойгада маррага биринчи бўлиб етиб келди.

Аёллар ўртасидаги баҳсларда узунликка сакровчи С. Ребковец, пойгачи З. Атаулина бошқалардан ажралиб туришди. Улар яхши натижалар кўрсатиб, мутахассислар тренерларнинг олқишига сазовор бўлдилар.

Беллашувлар жамиятларда енгил атлетикани ривожлантириш борасида қўлга киритилаётган ютуқлар билан бир қаторда мавжуд камчиликларни ҳам аниқлаб олишга ёрдам берди.

* * *

«Юбилей» Марказий спорт залида «Олтин шайба» клубининг соврини учун шайбали хоккей бўйича ўсмирлар ўртасида республика биринчилиги беллашувлари бошланди. Шуни айтиш керакки, спортнинг бу тури республикамизда жуда тез оммалашиб бормоқда. Турнирга Навоий, Чирчиқ, Ғазалкент, сингари ўнлаб шаҳарлардан спортчилар келганлиги бунинг исботидир.

ТЎРТИНЧИ ЎРИНДА

Москвада бадиий гимнастика бўйича анъанавий Бутуниттифоқ матч-учрашуви бўлиб ўтди. Ғолиблик учун бўлган курашларда мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган 16 команда қатнашди. Тошкентлик гимнастикачилар бу ерда юқори маҳорат кўрсатдилар. Улар бир неча кучли спортчилар билан мустаҳкамланган командаларни ҳам ортда қолдириб, тўртинчи ўринга кўтарилишга муваффақ бўлишди.

Мастерликка номзодлар программаси баҳсларида иштирок этган тошкентлик «Меҳнат» кўнгилли спорт жамиятининг аъзоси Н. Ким фахрий шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Ўн ёшли «Спартак» кўнгилли жамиятининг вакили Д. Беккузина биринчи разрядлилар баҳсида қатнашиб, фахрли учинчи ўринни эгаллади.



Тошкентлик фигурачилар Марина Никитюк ва Рашид Қодиркаевлар жуфт бўлиб учишда катта муваффақиятларни қўлга киритишди. Улар ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медал совриндори бўлишди.

СУРАТДА: тренер Валерий Николаевич Тюков, Марина Никитюк ва Рашид Қодиркаев ҳамда хореограф Валентина Федеровна Тюновалар ўзаро суҳбатда.

Р. Альбеков фотоси.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/II да **Пиковая дама**, 8/II да **Севги ҳақида қисса.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/II да **Соқов рицарь**, 8/II да **Уйланиш.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7/II да **Чоллар ва кампирлар**, 8/II да **Тошкентнинг нозанин маликаси.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 7, 8/II да **Можаро.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Янги программа. «Ўргатилган бўғма илон ва тимсоҳлар» аттракционининг гастролари.**

КИНО

7 ФЕВРАЛДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРГА ИШОНМАЙДИ» — **Мир** (11, 14, 17, 20.00), **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда), **Искра** (17, 20.00, телефон: 39-14-59), **Тинчлик** (12.30, 15.30, 16.30, 21.00, телефон: 53-86-07).

«ҲАЁТ ҚОНУНИ» — **Дружба.**

«УЛУҒ ОКТЯВРЬ» — **Чайка.**

«ПРАГАДАГИ В. И. ЛЕНИН МУЗЕЙИ» — **Москва.**

«КАТТАЛАРГА ЁНДАШАМИЗ» — **Лисунов номли.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРГА ИШОНМАЙДИ» — **Мир** (11, 14, 17, 20.00), **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда), **Искра** (17, 20.00, телефон: 39-14-59), **Тинчлик** (12.30, 15.30, 16.30, 21.00, телефон: 53-86-07).

8 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ҲАЁТ ҚОНУНИ» — **Дружба.**

«УЛУҒ ОКТЯВРЬ» — **Чайка.**

«ПРАГАДАГИ В. И. ЛЕНИН МУЗЕЙИ» — **Москва.**

«КАТТАЛАРГА ЁНДАШАМИЗ» — **Лисунов номли.**


БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРГА ИШОНМАЙДИ» — **Мир** (11, 14, 17, 20.00), **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда), **Искра** (17, 20.00, телефон: 39-14-59), **Тинчлик** (12.30, 15.30, 16.30, 21.00, телефон: 53-86-07).

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА
7 февраль соат 19.00 да
«ПИКОВАЯ ДАМА»
Герман партиясини Одесса опера ва балет театрининг солисти, Украина ССРда хизмат кўрсатган артист АНАТОЛИЙ КАПУСТИН ижро этади.
Билетлар сотилмоқда.

АЭРОФЛОТ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

АЭРОФЛОТ



ХОҲ ОЛИС, ХОҲ ЯҚИН МАСОФАДАГИ АВИАЛИНИЯЛАРДА ЮРИШНИНГ АФЗАЛЛИГИ ҲАММАГА МАЪЛУМ.

ЯҚИНДА ВОРОШИЛОВГРАД ВА ЗАПОРОЖЬЕ ОРҚАЛИ ҚАТНАЙДИГАН ТОШКЕНТ—ЛЬВОВ АВИАЛИНИЯСИНИНГ ОЧИЛГАНЛИГИ АНА ШУНДАЙ ҚУЛАЙ ҲАВО ЙЎЛЛАРИДАН БИРИ БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА.

Пассажирларга ИЛ-18 самолёти хизмат кўрсатади.

7600 РЕЙСИ БЎЙИЧА ҚАТНОВЧИ ВОРОШИЛОВГРАД ОРҚАЛИ ТОШКЕНТ — ЛЬВОВ МАРШРУТИ ҲАФТАНИНГ 1—4—6 КУНЛАРИ УЧАДИ.

Тошкентдан учиш вақти 1—соат 7.45 минут, Ворошиловградга —соат 16.30 минутда қўнади.

7600 РЕЙСЛИ ЗАПОРОЖЬЕ ОРҚАЛИ ТОШКЕНТ-ЛЬВОВ ЛИНИЯСИ БЎЙИЧА ҲАФТАНИНГ 3—7 КУНЛАРИ УЧАДИ.

Тошкентдан учиш ва Запорожьега қўниш вақти айнан шундай.

ПАССАЖИРЛАР ДИҚҚАТИГА! **Тошкент—Симферополь курорт линиясида самолётлар қатнови кўпайди. ТУ-154 самолёти ҳафтанинг душанба, чоршанба, жума, шанба ва якшанба кунлари қатнайди. Тошкентдан учиш вақти—соат4.30 минут.**

САРИОСИЁДАН У—503 ИККИНЧИ РЕЙСИ ҚАТНАЙДИГАН БЎЛДИ. **Бу ҳаво трассасида ҳар куни ЯК—40 самолёти учади. Тошкентдан учиш вақти —соат 7.25 минут, қўниш вақти —соат 9.10 минут** (Москва вақти билан).

ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАРНИ 56-06-17 ТЕЛЕФОНИДАН ОЛИШ МУМКИН.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИНИНГ
ОБУНА НАШРЛАРИ МАГАЗИНИ
НАВБАТДАГИ ТОМЛАР БЕРИЛАЁТГАНЛИГИНИ
БИЛДИРАДИ

В. И. ЛЕНИН (ўзбек тилида), 44, 45-том.
ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТНИНГ ХЎЖАЛИК МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ҚАРОРЛАРИ, 12-том.
П. НЕРУДА, 4-том.
Ф. ДОСТОЕВСКИЙ, 19-том.
ЎЗБЕК СОВЕТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ, 12-том.
ИЛМИЙ-АТЕИЗМ МАСАЛАЛАРИ, 24-том.
М. Ю. ЛЕРМОНТОВ, 1-том.
ҚУЙИДАГИЛАР БЎЛИМДА СОТИЛМОҚДА:
РАДИОЛОКАЦИЯ БЎЙИЧА СПРАВОЧНИК, 4-томлик.
ҲАЙВОНЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ФИЗИОЛОГИЯСИ, 3-томлик.
АНГЛО-ГЕОЛОГИК ТЕРМИНЛАР ЛУҒАТИ, 3-томлик.
ФЕЙНМАН, ФИЗИКА БЎЙИЧА ЛЕКЦИЯЛАР, 8-томлик.
СПРАВОЧНИКЛАР (сув ўсимликлари, СССР тупроқлари).
МАШИНАСОЗЛИК Д А ПАЙВАНДЛАШ, 4-томлик.
ЎЗБЕК СОВЕТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ, 4—12-томлар.
КАТТА СОВЕТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИНИНГ ЙИЛНОМАСИ, 1979 йил.

ХОНАСИ, 1-том (Достонлар. Рус халқ эртаклари), 44-том (Ф. Купер).

МАГАЗИНДА БУКИНИСТИК АДАБИЁТЛАРНИ СОТИБ ОЛАДИГАН ВА СОТАДИГАН БЎЛИМ ИШЛАЙДИ.
Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 7-уй. Телефон: 44-57-41.

УМРИ БОҚИЙ ОТАХОН

Баланд тоғликдаги Чашмаи кўзи қишлоғида байрам. Қишлоқ кексаси Шокир Ражабов 100 ёшга кирди. Шундай қилиб қишлоқнинг катта-кичиги кексани муборакбод қилгани унинг уйига келди.

Республиканинг турли районларида, шунингдек қўшни Ўзбекистон ва Қирғизистонда яшаётган ва ишлаётган ўғил-қизлари, невара-чевараларн ҳам келишди. Учта набираси Сибирдан телеграмма юборишибди. Улар ЗАМда Солони шаҳрини қуришяпти.

Шокир Ражабовнинг ўзи бутун умрини Максим Горький номли совхозда боғ яратишга бағишлади. Унинг халқ селекционери сифатида яхши билишади. Шокир ота Ражабов 100 га кирганлигига қарамай, ҳамон совхоз боғида ишлаб турибди.

Геронтологлар н и н г маълумотларига кўра, тоғлик Тожикистонда саккиз мингга яқин узоқ умр кўраётганлар яшамоқда. (ТАСС).

● ФАН ИЗЛАНИШЛАРИ

ЗИЛЗИЛАГА ҚУЁШНИНГ ТАЪСИРИ

Ленинград Арктика ва Антарктида илмий-тадқиқот институтининг геофизиги А. Ситинский ер ости силкинишларигина эмас, ҳаво массасининг планета юзига босими ҳам ер пўстлоғини тебрантира олади, дейди. Олим ўз кузатишларининг натижаларини ТАСС мухбири Н. Константинов билан ўртоқлашиб, Совет Иттифоқи ва чет элларда кўп йиллар мобайнида йиғилган маълумотларга кўра, катта-катта зилзила районларидаги синоптик вазиятнинг анализи билан ўз хулосасини асослади.

А. Ситинский 1960 йилнинг май ойида Чилида бўлган фалокатли зилзилани мана шу аниқ боғланишга мисол тариқасида келтирди. Фалокатли силкинишдан бир неча кун аввал шарқий ярим шарда атмосфера босими жуда тез пасайиб, айни маҳалда ғарбий ярим шарда кўтарилган. Шунда баҳайбат ҳаво массасининг улкан кўчишига ўхшаш ҳодиса юз берган. Ўша вақтда Арктикадан Антарктидага қадар температура кескин ўзгарган. Бундай термобарик ўзгариш ўзига хос «атмосферавий дазмол» ҳодисасини келтириб чиқарган, бунда атмосферанинг вазни неча ўнлаб триллион тоннага етиши мумкин бўлган ва унинг асосий оғирлиги Чили соҳилларига тушган.

Ҳавонинг ер пўстлоғига берувчи фалокатли босими қуёш—ер системасида оралиқ бўғинига бўлса керак.

(ТАСС).

СУД ЗАЛИДАН

САРПОГА КЕЛГАН ЭМИШ

Алишер Октябрь бозори атрофидаги «Тоҳир ва Зуҳра» магазини ёнидан нари кетмай гирдикапалак бўлиб юрарди. Уни Шомурод ота тўхтатди:

—Болам, қўлингдаги рўмолдан икки дона керак эди-да, — деди у.

— Топилади отахон, нархига қучингиз етса бас, сизга ўхшаган кексалар овора бўлиб юрмасин деб, узоқдан келтирдим, бир донаси 60 сўм.

Қиммат туюлди шекилли, Шомурод ота Алишерни инсофга чақириб турган ҳам эдики, улар атрофида харидорлар кўпайиб қолишди. Улардан бири — аёл киши рўмолни кўтарасига сотиб олмоқчи бўлди. Бор баракадан сўнг М. Жўраева ҳар бири 14 сўмдан турадиган рўмолнинг 28 донасига нақд 850 сўм тўлади. Мўмай пулни қўлига олган Алишер отага истеҳзоли қараб, гап отди:

— Бобой, сизга маслаҳатим шуки, қурумсоқлик қилмасдан вақтдан унумли фойдаланиш керак.

Алишер шундай деди-ю, мум тишлаб қолди. Чунки унинг қаршисида рўмол олган аёл билан бирга бир неча милиция ходимлари атрофни қуршаб туришар эди.

Алишер кимдандир маслаҳат олиб Москвадаги Новоярославский бозоридан номаълум шахсдан 32 дона рўмол сотиб олади ва Тошкентга равона бўлади. Рўмолларни бозорда пуллаб турганда қўлга тушади. Ҳали уйланмаган ёш йигит ремонт-қурилиш бошқармасида электр механик бўлиб ишлар, кечқурун эса Тошкент халқ хўжалик институтининг меҳнат иқтисоди факультетида 2-курсда ўқир эди. Унинг уйи тинтув қилинганда яна тўртта рўмол чиқди.

— Буни сарпога йиғиб қўйган пулга олиб келган эдим, — деб баҳона кўрсатди Алишер Абдукаримов.

Октябрь район халқ судьяси Н. Муҳитдинова раислигида ўтган суд ҳайъати Алишер Абдукаримовнинг илгари судланмаганлиги, кекса онаси боғлиғини ҳисобга олиб, уни уч йил қамоқ жазосига ҳукм этди.

Ҳ. МУИДИНОВ.

Редактор
С. М. ҚАРОМАТОВ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

7 ФЕВРАЛЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.55 Н. Римский-Корсаков операларидан парчалар. 18.45 «Миллионлар ленинча университет». «Коллектив ва шахс». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Биргаликда аҳил оиламиз». Мусиқали программа. 20.00 «Кампучия бугунги кунда». Кинопрограмма. 20.25 «Қиргоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 7-серия. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 Останкино-концерт студиясида Е. Исаев поэзияси кечаси. Кеча тугагач (23.40) — «Дунё воқеалари». Информацион кўрсатув.

Узбекистон телевиденнесининг программалари

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Болалар учун. «Тенгдошларинг ижоди». 18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мен — Совет Иттифоқи гражданиман». 19.00 «Турмуш ва маданият». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Ижод гулшани». Тележурнал. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган артист Е. Хатамова ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Р. Холбеков концерти. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». Киноновеллар: «Антони Иван Левенгукнинг кичик жониворлари» («Центрнаучфильм») «Решшетдаги ғарйиботлар», («Леннаучфильм»). 22.50 «Дунё воқеалари». 23.05 «Оқшом тароналари».

Узбекистон телевиденнесининг программалари

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 21.25 Ўсмирлар ўртасида самбо кураши бўйича Ўзбекистон ССР биринчилиги. Тошкент Трактор заводи залидан репортаж (ёзиб олинган). 22.00 «Беловеж қўриқхонаси». Телевизион ҳужжатли фильм (рус.).

8 ФЕВРАЛЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари 10.05 «Сиз ёқтирган шеърлар». 10.35 «Қиргоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия. 11.40 «Қалбга яқин қўшиқлар». 12.20 «Н. Тихонов. Даврлар ва йўллар». Телевизион ҳужжатли фильм. Кўрсатув тугагач (13.00) — Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Аэрофлот кунига. «Чунки биз учувчилармиз». Телевизион ҳужжатли фильм. («Экран»). 16.10 «Қадрдон табиат». 16.30 «Сенинг ленинча кутубхонанг». «Лев Толстой рус революциясининг кўзгуси».

17.15 «Ф. Шопеннинг фортепьяно асарларини РСФСР да хизмат кўрсатган артист В. Крайнев ижро этади. Фильм-концерт. «Экран». 17.45 «Москва ва москваликлар». 18.15 «А. Н. Островский ҳаёти». 2-кўрсатув. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 СССР халқ артисти О. Бардина куйлайди. 19.45 «Сайловдан-сайловгача». 20.05 «Кучук етаклаган ёвл». Бадиий фильм. А. П. Чеховнинг шу номли ҳикояси асосида». «Ленфильм». 1960 й. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». Киноновеллар: «Антони Иван Левенгукнинг кичик жониворлари» («Центрнаучфильм») «Решшетдаги ғарйиботлар», («Леннаучфильм»). 22.50 «Дунё воқеалари». 23.05 «Оқшом тароналари».

Узбекистон телевиденнесининг программалари

II

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Эволюциянинг биогеографик далиллари». Биологиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 Болалар учун концерт. 12.30 «Эволюциянинг биогеографик далиллари». Биологиядан ўқув кўрсатуви. 13.05 «Россия юраги». Бадиий фильм.

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Ажойиб манеж». Болалар учун мультфильм. 18.25 Болалар учун. «Ёш антифашистлар». 18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар комсомоллари». 19.15 «Техника ремонтини сифатли ўтказайлик». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Кино оламида». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ж. Раҳимов ва Г. Маҳмудова концерти. 21.30. Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Оламда нима гап?». Халқаро панорама. 22.35 Телевидение экранида биринчи марта «Тош осмон остида». Бадиий фильм. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Кругозор» илмий-оммабоп программа. (рус.). 20.55 Абитуриентлар учун. Математика. 21.55 «Дўстлик алоқалари мустаҳкамланаверсин». 22.25 «Оловли йилларни хотирлаб». Телевизион ҳужжатли фильм. (рус.).

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги— 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; алабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот— 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 33-90-50.

7 ФЕВРАЛЬ, 1980 й. Р — 12269 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б — 2047.